

ТААССУРОТ

МАРДЛАРНИНГ АВЛОДИ МАРД БЎЛАЖАК!



Бир пайтлар Чингизхондай ёвкур саркардининг хаёлини ром этган кўҳна Хоразм узра ҳамонки, султон Жалолоддин зафариятининг туғи ҳилпирайди. Урганч шаҳри марказида Мангубердининг маҳобатли ҳайкали барпо этилиб, унинг номи билан аталадиган ҳарбий-академик лицей ташкил қилингани мислсиз жасорат ва энгиб бўлмас қудрат рамзидир, аслида.

Яқинда муҳтарам Президентимиз Хоразм вилоятига ташрифи доирасида Урганч шаҳридаги Жалолоддин Мангуберди номли ҳарбий-академик лицей фаолияти билан яқиндан танишиб, ўқувчиларнинг қалбига ватанпарварлик ғояларини чуқур синдириш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ҳуқуқий билимларини оширишга мўлжалланган маънавий-маърифий тадбирларни тизимли равишда ташкил қилиш бўйича топшириқлар берган эди.

Шунга асосан яқинда бир гуруҳ таниқли ижодкорлар, театр ва кино актёрлари ҳамда маънавият тарғиботчилари сафида ушбу масканда бўлди.

Биз дастлаб улуғ саркарда Жалолоддин Мангубердининг Урганч шаҳрида қад ростирилган маҳобатли ҳайкалига ҳурмат баҳо келтириш мақсадида ҳудудига 18 мингга яқин манзарали дарахтлар, гул ва буталар экилган кўркем мемориал боққа келди. Ҳарбий оркестрнинг “Жалолоддин Мангуберди” марши садолари остида ҳайкал томон юрар эканмиз, майдонда мағрур ҳилпираётган Ўзбекистон байроғи ва бўйибастига ҳарбий либоси ярашган алп йигитларнинг саф тортиб турганини кўриб юрагимизда қувонч ва шукроналик туйғулари жўшурди.

Шу аснода муҳтарам Президентимизнинг “Чақмоқдек қисқа умри мобайнида ўзбек халқига хос бўлган Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятини намоён этиб яшаган Жалолоддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз билан


хар қанча фахрлансак, гурурлансак арзийди. Ишонаман, орадан йиллар, асрлар ўтади, Султон Жалолоддин ҳаммиша юртимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, иймон-этикод билан хизмат қилишнинг ўчмас тимсоли бўлиб қолади”, – деган сўзлари ёдимизга тушди.

Жалолоддин Мангуберди номидаги ҳарбий-академик лицейнинг муҳташам биносига яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишарканмиз, мазкур ўқув маскани ҳақиқатан ҳам буюк лашкарбошига хос камолот қасри бўлиб ёшларни ўз бағрига олганига ишонч ҳосил қилдик. 300 ўринга мўлжалланган ҳарбий-академик лицейда 2023-2024 ўқув йилида синовлардан муваффақиятли ўтган 150 нафар ўқувчи таълим олишмоқда.

Дастлаб муассаса раҳбари, полковник Ихтиёр Саидов меҳмонларга лицей фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берди. Хусусан, 1,5 гектар майдонда жойлашган ушбу ўқув даргоҳида ёшларга ҳар томонлама етук таълим-тарбия бериш учун энг замонавий шароитлар яратилган. Бу ерда математика ва физика, инглиз тили фанлари чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади. Лицейда 13 нафар олий ва 10 нафар биринчи тоифали ўқитувчилар, 12 нафар ҳарбий хизматчилар – офицер ва сержантлар фаолият юритмоқда.

Замонавий ахборот-ресурс марказида бизни кутубхоначи Инобат Раҳимова кутиб олди.

(Давоми 2-саҳифада.) ➔



БУЛБУЛГА БИР ГАПИМ БОР

Қадим Ўзбекмомо куйи ёдимда,
Ёдимда чечаклар қулган Чамбили.
Ҳар гал концертга кирган чоғимда
Ялтироқ чопонли “Ялла” ансамблини,
Ботир Зокировни ўйлайвераман.

Қизлар қарсак чалар – таъсир шунақа,
Қизлар ҳуштак чалар – аср шунақа.
“Ялла” залга сочиб сумалак исин
Куйлар “Бойчечагим – бойланди” сини,
Ботир Зокировни ўйлайвераман.

Гоҳ чиқиб кетаман, сезмайди биров,
Бу жойларда мени ким ҳам танийди.
Оғайнилар, мен ҳам дунёда бир кун
Битта кўшиқ айтиб ўлсам майлийдим...
Ботир Зокировни ўйлайвераман.

Зийрак қоровул чол тўсар йўлимни,
Хўрсинар. Жим сиқиб кўяр қўлимни.
Ҳеч қандай ансамбль овута олмас
Бу кун райҳон ҳидли маъюс кўнглимни,
Ботир Зокировни ўйлайвераман...

Кетаман. Келаман уни сўроқлаб
Қўлимда деҳқон юртнинг жамбили, мен.
У энди куйламас бағримни доғлаб,
Сен куйлайвер “Ялла” ансамбли, мен –
Ботир Зокировни ўйлайвераман!

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

ТУРКИЙ ДУНЁ БИРЛИГИ

ЎРТАДА БЕГОНА ЙЎҚ

Туркий халқлар жаҳон тамаддунига, хусусан, дунё адабиёти ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшгани барчага маълум. Эътиборли жиҳати, бу жараён бугунги кунда ҳам изчил давом этмоқда. Туркий тилли мамлакатлар ўртасида маданий-маърифий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган салмоқли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Туркий давлатлар ташкилотининг адабиёт соҳасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти таъсис этилгани, 2020 йилда Хива шаҳри туркий дунёнинг маданий пойтахти деб эълон қилингани маънавий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди. Кейинги вақтларда мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда нуфузли халқаро тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда.



Бухоро шаҳри “Туркий дунё ёшлари пойтахти” деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан “Туркий дунё ёшлари боғи” ташкил этилган. Қолаверса, азим Бухоро жаҳоний шухрат туган сайёҳлик шаҳарларидан бири сифатида қардошларимизни қизиқтириши, шубҳасиз.

Анжуманда туркий дунё маданиятини раванқ топтиришга ҳисса қўшиш, халқларимиз ўртасида адабий-маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ижоднинг турли соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш каби масалалар атрафлича муҳокама қилинди. Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт институтида бўлиб ўтган анжуманининг расмий очилиш маросимида ТУРКСОЙ Бош котиби Султон Раев, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари Мурод Маждидов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Ботир Эргашев сўзга чиқди.

Хусусан, Султон Раев ўз чиқишида бугунги ёшлар тинимсиз ижод қилиш билан бирга, қардош халқлар адабиётини ҳам чуқур ўрганиши, тафаккур билан ўқиш ва ўқиши зарурлигини алоҳида қайд этди. У кишининг бир неча туркий тилларда сўзлагани, улуғ шоирларимиз ижодидан иқтибослар келтиргани иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

(Давоми 2-саҳифада.) ➔

ЁРУФ ХОТИРА



Хотира – соғинч саҳросига сув сочадиган шалола...
Хотира – хатолар, янглишишлардан сабоқ берувчи муаллим...
Хотира – армон дардига малҳам...
Хотира – умидлар осмонига узайган пиллапоя...

Пойтахтимизнинг муаззам кошоналаридан бирида Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева таваллуд санаси муносабати билан ўтказилган маросим руҳиятига ана шундай азалий ва абадий ҳаётли хулосалар уйғун бўлди. Тадбирга йиғилган давлат арбоблари, диний уламолар, шоиранинг сафдошлари, дўстлари, яқин қариндошлари, шоғирдлари кошона деворига ўрнатилган мониторда бутун онгли ҳаёти давомида эл-юртимизга фидойий фарзанд мақомида хизмат қилган шоиранинг ҳаёти ва фаолиятига оид жонли тасвирларни кўрар, унинг умр йўлдоши – Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров ва шоғирдлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Шарифа Салимова, Мунаввара Усмонованинг ёдномаларини тинглаб эканлар, бир инсон, бир аёл имконидан нечоғлик масъулият, садоқат,

ЧИН БАХТИ СЎЗ ДЕСА, ЁЛФОНИ БЎЛМАС...

шижоат мужассам бўлганини яна бир қарра ҳис этдилар.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзанин шоири табиатидаги ҳалималик, шеърларидаги самимият борасида айтган фикрларидан сўнг даврага ҳали биздан узоқлашиб кетмаган ойдин шеърининг нафаси қайтгандай бўлди. Айниқса, машҳур шайх Алижон қори домла томонидан ўқилиб, муҳташам кошона нақшларида ажиб бир акс садо берган Қуръон тиловатидан сўнг марҳума ҳақиқ-хурмати учун дил-дилдан қилинган дуоларга бугунги осуда ҳаётимиз, фаровонлигимиз шукронаси ҳам сингиб кетгандек эди гўё.

“Эл-юрт хурмати”, “Фидокорона хизматлари учун” каби юксак мукофотлар соҳибаси бўлган устоз шоира билан қарий ўн саккиз йил мен ҳозир ҳам фаолият юритаётган “Саодат” журналида бирга ишлаганмиз. Ойдин опам янги шеър ёзса, жудаям бошқача бўлиб кетарди.

– Қўтлжон (негидир ҳаммамизни “жон-жон”лар эди: Шарифажон, Хосиятжон...), янги шеър ёздим, – дерди кўзи порлаб, юзи нурланиб. Баъзилар каби “бир нарсга қораладим”, “шеърми, шеърмасми, айтасиз...” тарзида иккиланаш бўлмасди. Янги шеър унинг назарини ботир, жасоратли қилиб юборар эди.

Шошилма айтмоққа!
Кўнгул тубида
Меҳр садафида гавҳар –
битта сўз.
Шошилма!
Шошилма, тил ғилофида
Ўлжасини кутган ханжар –
битта сўз!..

Устоз шеър ўқир экан, сатрлар шу қадар раван, оҳанглар шунчалар ўйноқи бўлар эдики, назаримда, улар муллақо қийналмасдан, кимдир опанинг қулоғига шивирлаб тургани каби... Осонгина ёзилаётгандек туюларди менга.

Сен аёлга
шоҳи кўйлак олиб берма,
ғулимсан, дегил!
Афсонавий қаср қурма,
Дилимсан дегил!..

“Ойдин опа, шеърларингиздаги сўзлар худди рақсга тушиб келаётгандек кўринади менга”, дердим. Эҳтимол, ҳаммиша илҳом билан ёзилгани учундир. Балки, шоира халқ оғзаки ижодини ниҳоятда яхши билгани, шу дарёдан кўпроқ сув ичганигадир...

Нима бўлганида ҳам, бошларини хиёл эгиб, шеър ўқиганларида эшитган одам чексиз хузур қиларди:

Аллоҳдан сўрадим:
Яримта нонимни бут қилиб берди,
Яримта жонимни ўт қилиб берди,
Бегам юрагимни дуд қилиб берди,
Сўзларимни яна уд қилиб берди...

Мен Ойдин опамнинг шеърятини “Ватанини сев”, деб айтмай севдирган шеърят” дегим келади. Манзаралар шу қадар жозибали чизилдики, беихтиёр уларнинг ичига кириб кетгинг, сойларидан ярқираган тошларига бош қўйиб ётгинг, ойдин тунларини ёғдуларга беллаган ой шуъларини аргимчоқ қилиб учгинг келади.

... Богларнинг кўйлагидан
Хид ўғирлар эпкилар.
Тун юзига тошади,
Оқ седона – сепкилар...

(Давоми 2-саҳифада.) ➔



Жорий йилнинг 17-19 апрель кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган туркий тилли давлатлар ёш ижодкорлари форуми ҳам ана шундай ҳамкорликнинг узвий давоми бўлди. Маданият вазири, Ёзувчилар уюшмаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамда ТУРКСОЙ ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур халқаро тадбирда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ёш шоир ва ёзувчилари, санъаткорлари иштирок этди. Анжуман учун Бухоро шаҳри танлангани ҳам бежиз эмас. 2022 йили бу ерда ўтказилган Туркий давлатлар ташкилотининг ёш лидерлар форумида



ЎРТАДА БЕГОНА ЙЎҚ

Бошланиши 1-саҳифада.

– Барчамиз бир дарахнинг бақувват шохлари сифатида дунё таракқиётига чинакам хизмат қиладиган, инсон қалбига малҳам бўладиган юксак асарлар яратишимиз лозим, – деди у.

Шу кунги туркий халқлар санъатининг ёш вакиллари томонидан ўз элининг асрий қадриятлари, дўстлик, биродарлик ва садоқат тараннун этилган ажойиб куй ва кўшиқлар, бетакор рақслар ижро этилди. Дарҳақиқат, инсон қалби ҳаммаша яхшиликка, гўзалликка талинади, эзгу орзу-умидларини сўз ва оҳанглар, ҳаракат ва ишоралар орқали баён этишга интилади. Ажабики, бундай ҳиссиётларнинг, туйғуларнинг, севги-муҳаббатнинг, одимийликнинг миллати йўқ.

Олти қардош мамлакатнинг ёш шоирлари саҳнага бир пайтда чиқиб, ўз тилида шеърлар ўқиди. Навқирон шоирларнинг ўз нигоҳи, ўз қарашлари, ўз топилмалари ва дилини қийнаётган ўз изтироблари борлиги аён бўлди. Шеърини оҳанглар, ижодий ёндашувлар ҳар миллатда ўзига хос, ўзгача экани яққол намён бўлди.

Анжуман доирасида Бухоро вилояти музикали драма театрида Қирғиз халқ эзувчиси Султон Раевнинг “Овсар” драмаси асосида саҳналаштирилган пьесаси тақдими ҳам ўтказилди. Машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романидан ўрин олган “Найман она қиссаси” асосида ёзилган ушбу драма иқтидорли адиб Абдуғани Абдуғафуров томонидан ўзбек тилига



маҳорат билан таржима қилинган. Унда маънавий таназзулга юз тутишнинг аянчли оқибатлари, миллатнинг маънавий қиёфасини бой бериши ва азалий қадриятлар топталишининг сабаб ва оқибатлари таъсирчан йўсинда очиб берилган. Театр ижодкорларининг ушбу салмоқли асарни юқори савияда, ўзига хос талқинда саҳнага олиб чиққанини алоҳида таъкидлаш лозим. Драма туркий тили мамлакатлар ёш ижодкорларига бирдек манзур бўлди.

Анжуманнинг иккинчи кунинида Бухоро вилояти марказий кутубхонасида ўтган йили хурматли Президентимиз ташаббуси билан ўзбек тилида нашр этилган “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 томлик мажмуасининг тақдими ўтказилди. Тадбирда мазкур тўпламни яратиш жараёни ва унда жамланган асарлар тўғрисида маълумот берилди. Иштирокчилар ушбу тўплам туркий халқлар адабий меросини акс эттирувчи ноёб маънавий мажмуа бўлганини алоҳида қайд этилди.

Маъмура ЗОҲИДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
юшмаси аъзоси

ЧИН БАХТИ СЎЗ ДЕСА, ЁЛФОНИ БЎЛМАС...

Бошланиши 1-саҳифада.

Шоира бундай гўзал манзараларни хаёлида ясаб, кейин қоғозга туширмасди. Имкон бўлди деганча, юртимизнинг шаҳару қишлоқларини кездарди. Бахтим шундаки, бундай сафарларнинг кўпига мени ўзи билан олиб борган. Саҳар, оқшом демасди. Кундузлар пахтакорларга машина кузови устида туриб шеър ўқиган пайтларимиз ҳам бўлган.

– Сиз теримга ғайрат қилинг, биз сиз учун шеър ўқиймиз, – дерди. Ҳисобчидан илғор теримчилар исмини сўраб олиб, ўша исмларни кўшиб ҳам шеър тўқиб юборарди. Катта шоиранинг шеърига исми қўшилган аёллар хурсандлигининг чеки йўқ... Оқшомлар талаба ёшлар билан учрашар эдик. Устознинг ғайрат-шижоати ичига сизмас, чарчадим, демасди. Тўқувчилар, тикувчилар, гиламдўзлар, чорвадорлар... Мен халқимни ўшандай сафарларда танидим, ўшандай сафарларда севдим. Бунинг учун устоздан бир умр миннатдорман.

Дарвоқе, устозлик... Ойдин Ҳожиева Зулфия-хонимдан мерос анъанани садоқат билан давом эттирди. Тахририятимиз ҳаммаша ёш ижодкор қизлар билан гавжум эди. Опа ҳар қанча шошилинч иши бўлса-да, улар билан икки оғиз гаплашишга, битта “йилт” этган сатрини топиб, кўнгиллари кўтаришга вақт топарди. Ҳамроҳон, Фароғат, Насиба, Гуландом... Яна қанча-қанча шоирларга қанот берганларини биламан. Байрам кунлари хонасида мушоиралар уюштирар эди. 1999 йилда “Гулчарлар” газетасини ҳам адабиётга энди кириб келаётган ижодкор ёшлар учун шахсий ташаббуси билан ташкил қилган эдик. “Бойчечак” саҳифасида ўнлаб қизларнинг илк машқларини эълон қилиб, қаламига умид туғилишига сабабчи бўлганлари ҳақиқат. Ойдин

опадан ўрганишга арзийдиган яна бир ҳижат бор эди: у ўзини катта йўлларга йўналтирган устозларига ниҳоятда садоқатли эди. Зулфия-хоним, Музайнана Алавия, Саидахоним, Кибриёхонимлар ҳақида “Тўрт танҳо” ёдномасини ёзиб, уларнинг хотирасига сўздан ҳайкал қўйди, десак, ҳақ гапни айтган бўламиз.

Академик шоир Ғафур Ғулум таваллуд кунлари, албатта, жамоамизни у кишининг уй-музейларига бошлаб борарди. Биз жамоа бўлиб, бот-бот Чигатой қабристонини зиёрат қилишга борардик. Зулфия-хоним, Саида Зуннуовалар зиёратидан сўнг Шайхзода ҳазратлари хоки йўлга ўтардик. “Йўқловчиси йўқ, мендан сўнг ҳам келиб туринглар!” дея тиловат қилардилар. Ойдин опа “Ёсин” сурасини ўқиганда эшитиб сел бўлардик. Мен баъзан ҳазил аралаш:

– Сиз шоира бўлмаганингизда ҳам Тилла кампирдек бахтли, ҳеч бўлмаса отинча бўлар эдингиз, – деб кўярдим.

Ойдин Ҳожиева “Саодат” журналига, боя айтганимдай, ўн саккиз йил бош муҳаррирлик қилди. Ҳар йили саккиз сон чоп этилган бўлса, саккиз китоб дегани бу. Зиммасидаги вазифаларни ҳаммаша виждонан адо этардилар. Ҳатто суратлардаги ост ёзувларгача такор-такор ўқир эдилар. Баъзан:

– Сизга ишондим, – деган материалларини ҳам барибир ўзи кўздан кечирар, менга бу инжиқликдек туюлиб, қовоқ уйсам:

– Бир кўз – бир кўз, икки кўз – икки кўз. Матбуотнинг хатоси ёмон акс садо беради. Ўқувчи дафтارينинг хатоси эмас бу, – дер эдилар. Ниҳоятда ҳуснихат, мақолаларни таҳрир қилса ҳам, муаллифнинг ёзганлари устидан чизмай, чиройли думалоққа олиб, қоғоз ҳошиясига ўзиникини ёзар эди. “Бегитга чизгандек бўлмасин, хафа бўлади. Чи-

зиб ташламанг”, деб койирдилар мени.

Шу жойда шахсан ўзимга қилган яхшиликларини ҳам ёғим келяпти. 1996 йил турмуш ўртоғим Миразиз ака катта жарроҳлик амалиётини бошдан кечирди. Уч ой ёнларидан қараб ўтирдим. Ойдин опам тахир учун материалларни шифохонага тахририятдаги қизлардан бериб юборардилар. Ишни тугатсам, улар яна келиб олиб кетишарди. “Уялпаман, ўз ҳисобимдан таътил бера қолинг” десам, “Дори-дармонга пул керак, қийналиб қоласиз”, деганлар... Ҳатто маошимни ҳам олиб келиб беришарди...

Ойдин Ҳожиева ҳам юрт кезиб, ҳам журнални бошқариб, ҳам халқ ноибни бўлиб, ҳам шоғирдларга устозлик қилиб, ҳам адабиётимизга “Мушфиқ онажон”, “Тухфа”, “Шом шуълалари” каби ўнлаб шеърини китоблар тухфа этди. Таржималар қилди. Техника фанлари доктори бўлган олимпиада кизини тарбиялади. Бугун унинг набиралари ҳам илм йўлида. Иброҳим Ғафуровдай беназир таржимон, улуг адабиётшуноснинг баланд адабий хирмонида шоиранинг ҳиссаси катта, албатта.

Ҳаёт экан, умрлари поёнида Аллоҳ дард билан синади. Синовларга чиройли бардош берди. Нола қилмади, шукр қилди... “Саодат”имизнинг Хосият қизи устоз шоиранинг ёнида бўлди. Жамоамиз билан бот-бот йўқлаб турдик, дуоларини олдик. Ни-маям дердик, Зулфия-хоним айтмоқчи: “Шу-да бир ҳаёт...”

Хайр севган шоирининг изида гўзал хотиралар, китоблар, фарзанду набиралар, адабиёт майдонига дадил кирган, кираётган шоғирдлар...

Тасаллимиз – шу...
Охиратлари обод бўлсин, илоҳим!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, шоира

МАРДЛАРНИНГ АВЛОДИ МАРД БЎЛАЖАК!



Бошланиши 1-саҳифада.

– Кутубхонамизда 7 мингдан ортқ ўқув адабиётлари ва бадиий китоблар, 11 мингдан зиёд электрон адабиётлар жамланган. Бундан ташқари, кўплаб даврий нашрларга обуна бўлганмиз. Зиё масканимиз доимо гавжум. Ўқувчиларимизнинг китобхонликка қизиқшини кўриб ўз касбим билан фахрланаман. Бизда электрон китобларга ҳам қизиқиш катта. Кутубхонамиз Урганч давлат университети ахборот-ресурс маркази ва Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон базасига уланган, – дейди Инобатхон. – Ўқувчиларимизнинг кутубхонага қаттиқ боғланишининг асосий сабабларидан бири – бизда уларнинг қўлга мобил телефонлар умуман берилмайдими. Йигитлар ота-оналари билан хоҳлаган вақтда гаплашиши учун навбатчилик хонасида телефон ўрнатилган.

Китоб мутолаа қилиш ва бадиий асарлар юзасидан ўзаро фикр алмашиш, мулоҳаза юритиш ўқувчиларнинг дунёқараши ва билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Ўқувчиларга ўтмишда яшаб ўтган шавкатли саркарда аждодларимизнинг ҳарбий-жанговар меросига оид маълумотлар чуқур ўқитилмоқда. Бу ерда ташкил қилинган “Заковат” интеллектуал клуби ва ахборот технологиялари тўғрисида мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Ҳарбий-академик лицейнинг машғулотлар майдонларида шуғулланаётган ўқувчиларнинг шижоатли хатти-ҳаракатларини кўздан кечирарканмиз, Шимолий-ғарбий ҳарбий округ қўмондонни, генерал-майор Фарходжон Шерматовнинг сўзлари эътиборимизни тортди: “Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондоннинг ташаббуси билан ташкил этилган ушбу лицейга биринчи йилдаёқ ўқишга кириш учун ҳар бир ўринга 17 нафардан ёшлар даъвогар бўлишиди. Бу йил уларнинг сони янада ошиши кутилмоқда. Бу бизни, албатта, қувонтиради. Чунки фарзандларимиз орасида ҳарбий соҳага, Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда”.

Спорт залида эркин кураш бўйича 5 қарра Ўз-

бекистон чемпиони, спорт устаси Умрбек Алляров, миллий кураш бўйича 4 қарра Ўзбекистон чемпиони, спорт устаси Дониёр Болтаев раҳбарлигида машғулот ўтаётган ўғлонларнинг шиддати бизга султон Жалолиддин Мангубердининг сувда чўкмас, ўтда куймас, ёвқур аскарлари шижоатини еслатади.

Ай-Ти тўғрарининг фаол аъзоси Ваҳоб Шамсуддинов устози Бекзод Жуманиязов раҳбарлигида мобил телефон орқали бошқариладиган авторазведка ускунаси ва ўзичар қурилма моделини ихтиро қилганини кўриб бир хайратимизга ўн хайрат қўшилди.

– Мен Навоий вилоятининг Конимех туманида туғилганман, – дейди Ваҳобжон. – Болалигимдан ҳарбий учувчи бўлишни орзу қилар эдим. Жалолиддин Мангуберди номли ҳарбий-академик лицейга ўқишга киришим – ана шу мақсадимга эришиш йўлида дастлабки катта қадам бўлди. Мен бу ерда орзумдаги ҳарбий техникалар моделини яратилиши ўрганмоқдаман. Шу тариқа кўнглимда авиаконструкторлик касбига кучли иштиёқ пайдо бўлди. Тажрибали устозларим ёрдамида ана шу мақсадимга эришимизга ишонаман.

Ҳарбий-академик лицей ўқувчилари турли русумдаги автомашиналарни бошқариш сирларини пухта ўзлаштириб, ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам олишар экан.

– Улуғ саркарда Жалолиддин Мангубердининг умри от устида ўтган. Унинг бугунги авлодлари ҳам чавандозлик маҳорати ва отларни парвариш қилиш сирларини пухта ўзлаштиришлари лозим. Биз шуни назарда тутиб, Миллий гвардия билан ҳамкорликда чавандозлик дарсларини ҳам йўлга қўйганмиз, – дейди лицей раҳбари Ихтиёр Саидов.

Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий-академик лицейнинг анжуманлар залида пойтахтдан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида сермазмун адабий-маърифий анжуман ташкил этилди. Мамакатимиз мадҳиясини жўрликда қуйлашдан бошланган ушбу тадбирда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, устоз адиб Хайриддин

Султонов ватанпарварлик, мардлик ва жасорат фазилатлари ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Мудофаа вазирининг ўринбосари, генерал-майор Ҳамдам Қаршиев, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлохотлар ҳамда Янги Ўзбекистонда ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш борасидаги устувор вазифалар ҳақида маъруза қилишди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, таниқли ижодкорлар Эшқобил Шукур, Ғайрат Маждид, Фароғат Худойқўлованин эл-юрт, она Ватан тараннумига бағишланган шеърлари ҳамда изланувчан кинорежиссёр Ҳилол Насимовнинг чиқиши анжуманга алоҳида фойз бағишлади. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Меҳриддин Раҳматов ва Тоҳир Саидов ижросидаги султон Жалолиддин Мангуберди ҳамда Соҳибқирон Амир Темур монопоглиари барчада катта таассурот уйғотди.

Мардларнинг авлоди мард бўлажак. Ватанга садоқат – наслдан наслларга ўтадиган қудратли кучдир. Юрт учун яшаганлар абадий ҳаётдир. Шулар ҳақида уйларканман, ҳассос шоиримиз Мақсуд Шайхзоданин “Жалолиддин Мангуберди” драмасидаги қуйидаги сатрлар кўнглимда жаранглаб акс садо берди:

*Мангуликдан жой олган – яшар абадий,
Мен-ку, Мангубердиман, олам билади.
Кўкларданми, сувданми ё ер таъидан,
Балки саҳро бағридан, тоғ этаидан,
Бир кун пайдо бўламан шу юрт, шу ерда,
Юрт шайдоси кўмилмас гўрбатда – ёурда.
Улуғвор ниятларга кор қилмас ажал,
Ким юртдан ёв қувса – мендирман ушал...*

Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими,
Мудофаа вазирлиги Жамоатчилик
кенгаши аъзоси



БОНГ

ҲАЙЛАМ ШАҲРИСТОНИДА КЕЧГАН СУҲБАТЛАР

Тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Аҳмадали Аскарлов билан суҳбатлашиш мақсадида кўнғирок қилганимда, домла Наманган вилоятидаги Учтепа қадимий ёдгорлигида иш олиб бораётганини айтиб, шу ерга таклиф қилди. Мен ўйлаб ўтирмай йўлга чиқдим.

Устоз билан очик осмон остидаги музей – қадимги зардуштийлар ибодатхонаси харобаларида учрашдик. Табиийки, суҳбатимиз сўнгги йилларда миллий археология фанида юз бераётган ўзгаришлар, шунингдек, бугун олим тадқиқ этаётган Ҳайлам ёдгорлиги ва унинг топилиши тарихи ҳақида кечди.

– Устоз, ўзингиз мана шу Учтепа қишлоғида туғилган эдингиз. Бироқ ушбу ёдгорликнинг эндигина топилагани бизни ажаблантирди...

– Мен бу қадимий археологик ёдгорликни мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳам, талабаларимда ҳам, Самарқанддаги Археология институтининг директор бўлганимда ҳам яхши билардим. Аммо биз каби маҳаллий халқларга паст назар билан қарайдиган, имкон қадар ўзланишимизни англаш ва шонли тарихимизни ўрганишга тўқинлик қилган собиқ шўролар замонида ҳар қандай янги археологик тадқиқотни бошлаш катта муаммо эди. Кейинчалик имкон топилишига эса, фалончи ўзининг қишлоғидаги объектни ўрганиш учун давлат маблағини соғирлапти, деган маломатлардан чўчиб, бунга журъат қилолмаганман. Уша пайтда бу жойлар анча овлоқ ҳудуд ҳисобланар эди. Утган асрнинг 90-йилларида одамларга уй-жой қуриш учун берилиши натижасида ёдгорликнинг катта қисми йўқолиб кетди. Ниҳоят, нафақага чиққангидан кейин Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги лойиҳаси асосида Учтепа археология объектни ўрганиб, қадимги Ҳайлам шаҳридаги зардуштийлар ибодатхонаси қолдиқларини тадқиқ қилишга киришдик. Ҳайлам – ҳозирги Учтепа қишлоғининг ўрнида, Норин ва Қорадарё оралиғидаги зардуштийлар макони бўлган.

– Ибодатхона, умуман, Ҳайлам шаҳрининг ўша пайтлардаги кўринишини топилмалар асосида тасаввур қилиш мумкинми?

– Аниқланган объект атрофидан етмишта оташкада, йиғирмадан ортиқ хайкалча топилди. Бундай кўламдаги топилма дунё миқёсида ҳозиргача учрамаган. Кўлга киритилган ашёларнинг илмий қиммати ва аҳамияти беқиёс бўлиб, таҳминан, миллоддан олдинги III–II асрларга оид топилмалар ҳам бор. Миёнўрда музофотида жойлашган шаҳар ҳудуди девор билан ўралган 38-40 гектар майдондан иборат. Тарихий маълумотларга қараганда, водийда сакитиза мана шундай музофот жойлашган ва Ҳайлам шаҳри улардан бирининг пойтахти бўлган. Бугунгача унинг майдони, жанубий, ғарбий, шимолий, шарқий чегаралари аниқланди. Уч қатор музофаа девори билан мустаҳкамланган шаҳарда ҳукмдор қароргоҳи, зардуштийлар ибодатхонаси, шахристон бўлган. Бу ибодатхона Қўтайба бошлиқ араблар ўлкамизга бостириб келгунча фаолият юритган. Ибодатхонада олов ёқувчи роҳибларнинг қабрлари ҳам топилди.

Бу ерда музей ташкил қилишга 2019 йилда киришганман. Лойиҳа икки йилга белгиланган эди. Ҳали охирига етказилгани йўқ. Оз-осянда маблағ бериб туришибди.

– Кейинги йилларда юртимизда археологияга қай даражада эътибор қаратиляпти? Соҳада қандай янгиликлар юз бермоқда?

– Мустақилликнинг дастлабки йилларида академик фан соҳасига эътибор яхши эди, илмий тадқиқот институтлари ходимларига давлат бюджетидан ойлик маош тўланарди. Аммо кейинчалик илм аҳлининг иш ҳақини тадбиркорлардан буюртма олиб, контракт асосида ишлаш орқали қоплаш тартиби жорий қилинди. Яъни, ўз аравангн ўзинг торт, деган йўсинда иш тутилди. Шунингдек, академик фанни ривожлантириш билан боғлиқ молиявий ҳомиёлик ҳам тўхтатилди. Маълумки, назарий илмий ишланмалар лаборатория тажрибалари ва дала амалиётларисиз ривожланмайди. Натижада кўшимча маблағ талаб этадиган назарий ишланмаларни амалиёт билан уйғунлаштириш тамойили бузилди. Шу боис, давлатнинг эътиборидан четда қолган археология фанида ҳам маълум муддат турғунлик ҳолати кузатилди. Биз иложсизликдан эски алоқаларни ишга солиб, хоржий ҳамкасбаримиз билан ҳамкорликда бир неча илмий экспедициялар ташкил қилишга мажбур бўлдик. Бироқ ажнабий мухбирлар ҳар бир кашфиётни чет эллик олимларнинг ютуғи сифатида талқин қилишди ва натижада ўзбек археологларининг кашфиётлари уларнинг соясига қолиб кетди. Чунки илмий экспедицияларни улар молиялаштирар эди.

1996 йилда археологларга дала шароитида тўланадиган энг кам иш ҳақи ҳам бекор қилинди. Шунга қарамай, мустақилликимизнинг дастлабки йилларида соҳа олимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли тарих ва археология соҳасида муайян ўзгаришлар юз берди. Катта илмий салоҳиятга эга олимларнинг аксарияти фидойи инсонлар эди. Улар иш ва бойлик илжинида Ватани ташлаб, хоржга кетмадилар. Ана шу ватанпарвар зиёлиларнинг иродаси ва матонати туфайли соҳада бир қатор салмоқли ютуқларга эришилди.

– Шу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

– Биринчидан, советлар даврида Ўзбекистон жанубида очиб ўрганилган Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон каби қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари ҳар томонлама чуқур тадқиқ этилди. Янгича таҳлилларга кўра, улардан топилаган ноёб археологик артефактлар ёрдамида бизнинг жа-

нубий вилоятларимиз бронза давридан эътиборан қадимги Шарқнинг бирламчи цивилизациялари таркибига киргани илмий жиҳатдан исботланди ҳамда Жанубий Туркманистон, Шимолий Афғонистон ёдгорликлари билан бирга жаҳон тарихига Окс цивилизацияси номи билан киритилди. Авваллари тарихшуносликда бундай ғояни айтиш амримаҳол эди, чунки кўпчилик ўзбек деганда дашта яшовчи туркий тилли чорвадорни тушунарди.

Аввало, узоқ йиллар тарихшунослик фанида Ўзбекистонда бронза даврида таркиб топган қадимги шахарсозлик маданияти ва ўзбек давлатчилигининг асослари дастлаб Эрондан кириб келган, деган ғоя етакчилик қилиб келди. Ҳатто ўша даврда юртимизда юксак даражада ривожланган кулполиклик маҳсулотлари тўғридан-тўғри “Аҳамонийлар керамикаси” деб аталди ва бизга ана шундай мантиққа зид қарашлар сингиди-



рилди. Лекин мустақиллик йилларида бирламчи археологик материалларни ғоявий таъйинлардан холи тарзда янгича таҳлил этиш натижасида бу борада асл тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш имкони туғилди. Яъни миллоддан аввалги VI асрда юз берган аҳамонийлар босқинига қадар Марказий Осиёда бронза даври бирламчи цивилизация ютуқларининг қайта тикланиш палласи бўлгани илмий жиҳатдан исботланди.

Шунингдек, шўролар тарихшунослигида Ўзбекистоннинг қадимги шахарсозлик маданияти ва давлатчилик илдизлари антик даврдаги Юнон-Рим цивилизацияси билан боғлаб талқин қилинар эди. Ҳолбуки, антик даврда аънавий маҳаллий ўзбек давлатчилиги инновация сифатида кириб келган эллинизм амалдаги меъморий моддий маданиятда, товар-пул муносабатлари шаклланишида, диний қарашларда, ёзув маданиятида ўз аксини топган бўлса-да, аслида ушбу буюк юксалиш замирида Қадимги Шарқ маданиятига хос бўлган бронза даврига оид Сополли маданиятининг аънава ва омиллари ётар эди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Кушон давлатининг этник жиҳатдан туркийларга мансуб бўлган ҳукмдори Канишка элли мафкуравий маданиятидан воз кечиб, ўзининг асо (давлат рамзи) тугган сурати ва туркий орииларга хос самовий от рамзи туширилган тангаларини зарб эттира бошлади. У эллинларнинг лотин тили ва ёзувидан воз кечиб, кушонлар давлати доирасида боҳтарий тили ва ёзувини жорий қилди. Дин соҳасида юнон маълумотларини илоҳийлаштириш ҳам ман эъти.

Бронза, илк темир ва антик даврда юз берган янгиликлар туфайли Марказий Осиё этносисий ҳаётида туркий руҳият, маданият ва маънавий тараққиёт ҳар жабҳада аққол кўрина бошлади. Антик даврдан бошлаб ўзбек халқининг этногенези ва давлатчилиги жадал ривожланиш босқичига кўтарилди. Бундай ўзига хос мустақиллик сиёсати ҳатто, илк ўрта асрларда ҳам, токи араблар истилосигача давом этди. Мазкур тарихий жараёнлар археологик ва антропологик материалларда ўз аксини топди, унинг қиёсий локализацияси канкия ва кангар, ху ва рунг, тиек ва гуз, хуну ва усун каби туркий этник атамаларда ифодаланди. Бу ҳақда қадимги Хитой ёзма манбаларида аниқ маълумотлар бор.

Айнан археологик ва антропологик ишланмалар туфайли Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон одамзоднинг илк бор пайдо бўлган ҳудудига киритилди. У даврга тегишли қадимги тош (палеолит) даври ёдгорликлари Фарғона водийсидаги Селунгур ва Қапчига, Тошкент водийсидаги Кўлбулоқ ва Обираҳмат, Сурхондарё вилоятидаги Тешиктош, Зарафшон водийсидаги Омонқўтон ва Қўтирбулоқ, қадимги Хоразм заминидagi Қизилнурга 1 каби ёдгорликлар мисолида ўрганилди. Жаҳоннинг нуфузли олимларини Обираҳматта йиғиб, энг қадимий архаик ёдгорлик бўлган Селунгурга бағишланган халқаро анжуманлар ташкил этилди.

Истиқлол йилларида археологларимиз тўпланган материалларни янгича қарашлар асосида талқин ва таҳлил қилиб, кўплаб янги хулосаларни илгари сурдилар. Масалан, қадимги шаҳарларнинг келиб чиқиш илдизлари тадқиқ қилиниб, уларни хронологик кетма-кетликда даврлаштириш ва тарихий босқичларга бўлиш ишлари амалга оширилди. Ҳар бир тарихий-маданий марказ кесимида шаҳарлар генезиси, иқтисодий-ҳўжалик асоси, тарихий топографияси, сув таъминоти, мудоффа тизими ўрганилиб, ўзбекларнинг этномаданий қиёфаси, ижтимоий, сиёсий, диний илдизлари таҳлил қилинди. Бу борада қадимги шаҳарларни ёзма манбалар маълумотлари билан локализациялаш масалалари жиддий шуғулланишни талаб этди. Чунки шаҳарлар тарихини тўла-тўқис ёритиш ва умумлаштириш шу пайтгача ёзма манбаларда ўз аксини топмаган эди. Содда қилиб айтганда, ҳар бир археологик артефактни “гапиртириш” керак бўлди.

Қўлга киритилган археологик манбалар таҳлилига кўра, Ўзбекистон хронологик кетма-кетликда учта ҳудудий зонага бўлинди. Биринчи зонага Жанубий Ўзбекистон ҳудудлари; иккинчи зонага Жанубий Сўғд (Қашқадарё вилояти), Марказий Сўғд (Самарқанд вилояти), Ғарбий Сўғд (Навоий ва Бухоро вилоятлари), қадимги Хоразм ҳудудлари; учинчи зонага Сир-

дарёнинг ўрта ҳавзаси ҳисобланган Тошкент вилояти, Жанубий Қозоғистон, қадимги Фарғона ва Уструшона ҳудудлари киритилди.

Ўзбекистоннинг маҳаллий халқи, ўзбек миллати ва унинг давлатчилиги ана шу ҳудудлар этник бирикларининг узоқ вақтлар давом этган ўзаро ижтимоий-иқтисодий, этномаданий алоқалари, сиёсий бошқаруви ва тарихий мафқураси базасида, мураккаб этнослараро қоришувлар асосида шаклланган.

Халқ ва миллат тарихи ўртасидаги фарқлар биринчи бор китобда ўз аксини топиб, Эрон ва Туронда ўтган тарихий жараёнлар хронологик кетма-кетликда объектив баён этилди. Ўзбек халқининг сўғдий, хоразмий, боҳтарий ва сак-скиф асослари, туркий тилли аждодларимизнинг иқтисодий-ҳўжалик ҳаёти, этномаданий қиёфаси, унинг кўп этник компонентлиги асосланди.

Йиллар давомида олимлар томонидан юртимизда кўчманчи чорвачиликнинг келиб чиқиши илк темир даври тарихий жараёнлари билан боғлаб талқин этиб келинди. Бироқ кейинги йилларда ушбу тўз ўзгаришлар бундан минг йил аввал содир бўлгани аниқланди. Бундай ўзгаришлар замирида уй ҳайвонларидан улов сифатида фойдаланишга ўтиш жараёни ётади.

Ўтмишда зодагон чорвадорлар йил сайин кўпайиб бораётган чорва молларини боқиб учун янги яйловлар қидириб, бир жойдан иккинчи жойга кўчишга мажбур бўладилар. Бу эса бир томондан қабилаларнинг унмдор ўтлоқларга эга чиқиш илжинида ўзаро низолашишга сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан кундалик ҳаёт учун кураш жараёнида икки хил ҳўжалик соҳибларининг иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғланиб қолишига сабаб бўлди. Дастлаб натурал мол айирбошлаш шаклида намоён бўлган бундай иқтисодий, маданий ва сиёсий алоқалар кейинроқ товар-пул муносабатларига асосланган бозорнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ибтидоий уручилик жамоаларининг емирилиши ва илк темир даврининг қарор топиши ҳақида гапирганда, бу даврда Марказий Осиёнинг қадимги суғурма деҳқончилик минтақаларидаги дастлабки давлат конфедерациялари (қадимги Бақтрия подшолиги, Катта Хоразм, Даюан подшолиги) юзага келиб, уларни расман кави (бир неча вилоят ҳукмдори, подшо)лар бошқарган. Кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик минтақаларига (Қанғ давлат конфедерацияси, Хунну давлат конфедерацияси) эса жабуллар бошчилиги қилган. Археологларимизнинг тинимсиз изланишлари натижасида ана шундай илк давлат бошқарув тизимлари, улар ўртасидаги иқтисодий ва этномаданий алоқаларнинг туб мазмун-моҳиятига аниқликлар киритилди.

– Шубҳасиз, археология – мураккаб соҳа. Шу боис, бу борада камчилиги ва муаммолар ҳам бўлиши табиий. Ҳўш, бугун археологларимизни қайси масалалар кўпроқ ўйлантирмоқда?


– Мустақиллик даврида академик илм-фан, жумладан, археологияга эътиборни ҳам икки босқичга бўлиш мумкин. Дастлабки босқичда мамлакатимиздаги иқтисодий қийинчиликлар ва бошқа сабаблар туфайли академик илм-фан инқирозли даврини бошидан кечирди. Қувонарлиси, кейинги йилларда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг илм-фан соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиши натижасида миллий археология соҳасида ҳам бутунлай янги давр бошлади. Қисқа вақт ичида катта муаммолар бартараф этилиб, соҳада хайрли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Аввало, илмий-тадқиқот институтлари ходимларига давлат бюджетидан ойлик маош тўлаш тартиби жорий қилинди. Мавжуд лабораторияларни замонавий илмий-техника воситалари билан жиҳозлашга киришилди. Эътибор ва рағбат сустиги туфайли бошқа соҳаларга ўтиб кетган малакали археологлар қайтадан ишга жалб этилиб, ҳатто Тошкент шаҳрида Миллий археология маркази ташкил этилгани айни мудоао бўлди. Олимларимиз археологик изланишлар олиб бориш учун бирламчи илмий-техника асбоб-ускналари билан таъминлангани ҳам алоҳида таъкидлашим керак. Соҳа бўйича махсус



ҳимоя кенгашлари ташкил этилиб, юқори малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда Миллий археология маркази академик Яҳё Ғулломов номидаги Самарқанд археология институти билан биргаликда 2030 йилгача илмий соҳада амалга оширилдиган ишлар режасини тузиб, ҳал этилиши зарур бўлган масалалар устида бош қотирилмоқда.

Муаммолар ҳақида гапирдиган бўлсам, биринчи галда мамлакатимиздаги мавжуд барча археологик ёдгорликларни ўрганиб чиқиш, шўролар даврида чала қолган кўп жилдлик “Археологик ёдгорликлар рўйхати”ни тузиш ишларини охирига етказишимиз керак. Бу йўналишда қатор туманлар ва вилоятлар бўйича бир неча жилддан иборат рўйхат (свод) тайёрланган бўлиб, 1990 йилгача Ўзбекистонда 15 мингдан ортиқ археологик ёдгорлик аниқланган. Мустақилликнинг илк



йилларида Археология институтининг раҳбарияти олти марта ўзгарди. Улар маҳаллий ҳокимиятнинг дастёрига айлантирилди. Рўйхат тузиш ва уни чоп этиш масаласида молиявий қийинчиликлар юзага келди. Тарихий обидаларнинг қонуний эгаси бўлган Маданият вазирлиги мутасаддилари эса бу масалага соғуққонлик билан қаради. Кўплаб фермер ҳўжаликлар эса экин майдонларини кенгайтириш илжинида амалда тарихий объектларни йўқотиш билан шуғулланди. Бунинг оқибатида ҳозирги қунгача юқорида тилга олинган ёдгорликларнинг атиги учдан бир қисми сақланиб қолган. Уларни муҳофаза қилишга мўлжалланган қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, кўпчилик амал қилмапти.

Юртимиздаги ҳар бир вилоят ва тарихий-маданий ўлканинг Афросиёб ва Ахсикент каби улкан эталон пойтахт ёдгорликлари мавжуд. Шу боис республикамизнинг археологик салоҳиятини тенг тақсимлаб, уларда уч фасл давомида тўхтовсиз ишлаб турадиган комплекс экспедициялар ташкил этиш лозим. Шу орқали эталон ёдгорликларни чуқур ўрганиш, ҳудудлардаги ноёб ёдгорликларнинг рўйхатини қатъий тартибга келтириш ва келгусида сайёҳликни ривожлантириш чораларини белгилаш мумкин. Бу борада бизнинг тажрибамиз бор. Утган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларида Археология институтининг бошқарган кезларимда шундай йўл тутганмиз. Афсуски, бундай илмий ишланмалар кейинчалик давом эттирилмади.

Муҳтарам Президентимиз юртимиздаги жаҳон туристлари эътиборини ўзига тортувчи ноёб археологик объектларни очик осмон остидаги музейларга айлантириш ташаббусини илгари суриб, бу борада тегишли фармон ва қарорларни қабул қилди. Биз, археологлар ҳам ушбу муҳим ташаббусни кўллаб-қувватлаб, Маданий мерос агентлиги билан ҳамкорликда барча вилоятлар ҳудудида камида уч-тўрттадан ноёб археологик ёдгорликни ноёб объектига айлантириш бора-сида изланишлар олиб боришимиз керак эди. Афсуски, бу масала ечимида ҳам жиддий муаммолар бор. Аввало, Маданий мерос агентлигида барча турдаги археологик ёдгорликларни очик музейга айлантириш учун зарур бўлган малакали мутахассислар етишмайди. Бунинг устига, кейинги 15-20 йил давомида аксарият талабалар археология соҳаси бўйича билимли бўлиш учун эмас, балки диплом олиш учун ўқиди. Бундай нотўғри ёндашув умумий ўрта таълим мактабларида ҳам илдиз отган...

– Кейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда тез-тез археологик объектларнинг қаровсизлиги ёки билат тўриб уларга зивён етказиш билан боғлиқ ноҳуш хабарларга дуч келяпмиз. Бу масалада ким айбдор?

– Бу ниҳоятда жиддий муаммо. Мен ушбу мавзуда далилларга асосланган бир неча мақолалар билан матбуотда чиқишлар қилдим, телеканаллар орқали танқидий мулоҳазаларимни билдирдим. Лекин қани уларга муносабат? Бу ҳақда гапирaverиб чарчадим. Наманган вилоятининг Норин туманида жойлашган қадимги Ҳайлам шаҳристонини бош ибодатхонасини очиб ўрганиб, ушбу ноёб археологик ёдгорликни очик осмон остида музейга айлантириш ҳақидаги ташаббусимиз ҳам мутасаддиларни қизқирмаяпти. Ҳозир тўқсон ёшдаман, лекин зиммамдаги масъулият туфайли ушбу объектни ташлаб кетолмайман. Бот-бот ваъдабозлик, соғуққонлик ва масъулиятсизлик каби ҳолатларга дуч келиб афсусланиб кетаман.

Маҳаллий раҳбарлар кўпинча ноёб археологик объектларимизнинг барбод қилинишига панжа орасидан қарашмоқда. Нега жойларда ханузгача фермер ҳўжаликларига археологик объектларни ўзлаштириш ҳуқуқини берадиган қарорлар чиқариб берилмапти? Жамоатчилик қаёққа қараяпти? Биз нима учун шонли тарихимизга, аждодларимиздан мерос қолган табарруқ қадамзоларга бунчалик бефарқмиз? Бебаҳо ёдгорликларни кўз ўнгимизда аёвсиз топлатган, томорқасига қўшиб олаётган, молхонага айлантираётган кўни-қўшинимизга танбех бериш, уларни инсофга қақиритиш шунчалик қийинми?..

Шулар ҳақида ўйлаганимда ўзимни кўрага жой тополмайман. Бундай одамларга ҳам худо инсоф берсин, дейман. Нафсиларини айтганда, бундай ноҳуш ҳолатларга қарши курашиш фақатгина давлатнинг иши эмас, биринчи галда сиз, мен, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси тарихий, маданий меросимиз намуналарини кўз қорачигидек асраб-авайлашни ўзининг бурчи деб билиши керак. Ана шундагина бундай муаммоларга бутунлай барҳам бериш мумкин деб ўйлайман.

– Муҳтарам домла, сиз жуда муҳим масалаларни тилга олдингиз. Насиб этмаса, бу мавзудаги мулоқотларимизни яна давом эттираман. Фурсатдан фойдаланиб, қимматли фикрларингиз учун сизга миннатдорлик билдирамиз.

Хумоюн АКБАРОВ суҳбатлашди.



ҚУТЛУҒ САНА

Менинг кўрким – кўнгил



ТАВАЛЛО

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Ҳам оқ ювиб-тарагансан ўзинг бизни.
Бешигимиз узара бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.
Фидойинг бўлганми сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Қалқонинг бор, ким қасд қилса гар жонингга,
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга.
Асрагаймиз гиёҳинг ҳам гулдай ўпиб,
Ёвлар яқин йўлламайга кўргонингга.
Адойинг бўлганми сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон.

Тузинг тотиб, унутганлар хор бўлади,
Кўзларига икки дунё тор бўлади.
Шодон дамнинг кўролмаган юртфурушлар
Бир кун бир кафт тупроғингга зор бўлади.
Ёнингда тургаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Гул кўринган даштингдаги гиёҳ-хасдир,
Соддадилу улугворлик сенга хосдир.
Севамизки, чўлларинг ҳам бизга жаннат,
Тупроғинг ҳам Макка мисол муқаддасдир.
Онадек кўргаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

МАЛАГИМ

(Ушбу шеър матбуотда илк бор эълон қилинмоқда)
Кимга бердим жондан севган малагимни
Чаман ичра сўлди гулим, сўлди гулим.
Қон йиғлатдим шундоқ ҳам қон юрагимни
Ўз дилимнинг дилозори бўлдим ўзим.

Ёт ёр қучдим гўшангада кўрмай туриб,
Ёлғизимсан дедим исмин сўрмай туриб,
Туним кечди ой бутгунча хаёл суриб,
Гул умримнинг гуноҳкори бўлдим ўзим.

Ҳамма одам бир одамдир менга энди,
Икки дунё бир қадамдир менга энди,
Суйдим суймай нима ғамдир менга энди
Суймагани суймас ёри бўлдим ўзим.

АДИБЛАР ХИЁБОНИДА

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Кўнғиротбой Шарипов янгилаётган Ўзбекистонда ёшлар учун зарур барча имкониятлар яратилаётганини таъкидлади.

Очиқ осмон остидаги тадбир давомидида олий таълим муассасалари томонидан ташкил этилган ҳудудларнинг миллий урф-одат ва қадриятлари кўргазмалари, қизиқарли концерт дастурлари тақдим этилди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон халқаро ислом академияси вакиллари ҳам фаол иштирок этиб, талабалар Сурхондарё вилоятининг фольклор, халқ оғзаки ижодидан ёрқин ва бетакрор намуналарни ижро этдилар.

Адиблар ҳаёти ва ижодига бағишланган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Ҳазал ва шеърлар айтилди. Куй-кўшиқлар янгради. Жонажон Ўзбекистонимиз ҳудудларининг миллий урф-одат, анъана ва қадриятлари тараннум этилди.

Н.УСМОҶОВА,
ЎЗА МУҲБИРИ

Севги бамисоли лолақизғалдоқ,
Тегинмай бўлмади,
Тегсанг тўкилар.
Алвон бир гумбазнинг ўртаси оппоқ...
Буни бир мену бир капалак билар.

Мен ўша гумбазга бошимни сукдим –
Қизил кўйлакли бир қизгина кулар:
Бундай боқма менга, уқдингми? Уқдим...
Буни бир мену бир капалак билар.

Сўнг у оққанотим учдию кетди,
Унинг умри бир кун – чошгоҳда ўлар.
Момо ер айлаиб манзилга етди,
Буни бир мену бир чархпалак билар...

Севги бамисоли фарқ пишган шотут,
Тегинмай бўлмади,
Тегсанг тўкилар.
Севдингми, юз йил кут,
Севмасанг унут!..
Бунисин бир мену бир малак билар.

У мени кутади юз йилдан сўнг ҳам.
Кўр бўлиб қолгунча йўлга термулар...
Севги – менинг барча дардимга малҳам
Буни бир ўзим бир юрак билар.

ХАЁЛ

Хаёл қандай яхши,
Аканга ўшар.
Ўйнарар елкага кўтариб олиб.
Бу парвоз сўнгида йиғлашинг мумкин
Соғинган онангинг олдида қолиб.

Хаёл қандай яхши,
Хаёл қандай соз.
Кўшиқлар сочади босган изингга.
Бир кечада бориб айтишинг мумкин
Изҳори дилингни суйган қизингга.

Беғубор болалик юлдуздай олис,
Аммо хаёл учун у ҳам бир қадам.
Тарсиллаб қовунлар ёрилган полиз,
Сен ёлғиз ётибсан остида бодом.

Гуллари тўкилар ўша бодомнинг,
Капалақдай келиб юзингга кўнар.
Хаёл ҳам туғишган укаси одамнинг,
Қаёққа юборсанг гинг демай жўнар.

Кўксига хаёлинг турса йиғилиб,
Кўёшни уйғотиб келса бўлади.
Шоирларнинг бари ерда туғилиб,
Осмону фалақда ўлади.

ДУНЁ

Менга боқиб мийиғида кулган дунё,
Мени тупроқ, ўзни осмон билган дунё,
Сени момом чумилтирган ювиб-тараб,
Сени бобом тетапоя қилган, дунё!..

Эй ўтмишдан ўтган кунин сўрамаган,
Ўзбек борса ким қўлига қарамаган?
Ботирлари кул бўлишга ярамаган,
Сулувлари бўйнига осилган дунё!

Мозий маним боримни ёд этиб сийлар,
Диларин обод, руҳларин шод этиб сийлар.
Шоҳ Ҳазратий, шоҳ Табризий, шоҳ Румийлар...
Чоригини елкасига илган дунё.

Сен сизинган – ўша жондин ортиқ сенга
Тожмаҳал ҳам бир бобомдан тортиқ сенга.
Кулма менга, иддаолар қилма менга –
Тўққиз кунда Темур босиб олган дунё!

Юзларингни ёритган шу шарқ зиёси,
Дардларингни аритган шу шарқ зиёси.
Синонинг этагин ўпиб Оврупоси,
Амриқоси Берунидан қолган дунё.

Менинг кўшким кўқда – унга етмайди кўл,
Менинг кўрким – кўнгил, унга элтмайди бир йўл,
Тирикман мен, кел, истасанг муридим бул –
Сен Исломдан иймон дарсин ўрган, дунё!..

Мана шу – мен туғилган гўша,
Уйга етдим – ариқ ҳатладим.
Шу ерлик бир қизга ёқай деб
Узун-узун шеърлар ёдладим...

Ёдладиму айтолмай унга,
Бағри дилим тўлди доғ билан.
Осмонларга термулиб ётдим
Томда синглим қизғалдоқ билан.

Осмон деганлари кенг экан,
Бўйи бўйим билан тенг экан.
Бу дунёда дардингиз бўлса,
Юлдузга бахтлиман денг экан...

Ҳамма юлдуз менга мўлтирар,
Ўлсам мени савол ўлдирар.
Айвондаги қалдириқлардек
Улар тизилишиб ўлтирар.

Қаранг, қандай бахтли боламан!
Ўйларимда гуллар ухлайди.
Кўзларимда жаранглаб кулгу,
Юрагимда... йўлбарс... йиғлайди.

ҚУШЛАР ҲАМ ЙИҒЛАР

Терлар оқди сув бўлиб биздан
Ва гурсиллаб йиқилди терак...
Ака, бизнинг қилмишимиздан
Тунда қушлар йиғласа керак.

Она чумчуқ айлаиб кетмас,
Кўнглига қил сизгаси керак.
Эски индан ташиб бориб хас,
Янги инда йиғласа керак.

Баланд бўлар уйимиз тоғдек,
Айвонида устун ул терак.
Биз яшармик, кўнглимиз чоғдек,
Шунда қушлар йиғласа керак...

МАНЗАРА

Бедапоя тўридаги жуфтин қидириб,
Сайрай-сайрай жимиб қолди бедана дилгир.
Сувсумбулни ваъдасига кўлиб, кундириб,
Ўйнатгани олиб кетди ирмоқ қайгадир.

Қир томондан пода қайтиб келаркан қатор
Кумуш соҳил бўйларига чанглар ястаниб,
Қишлоқнинг энг чеккасида баҳайбат чинор
Уфқ тарафга қараб қўйди хавотирланиб.

Кўёш осмон этагига осилиб мана,
Бир хўрсиниб, кўздан ғойиб бўлдию кейин
Қўшни қизнинг ҳавасини келтириб яна
Толкўчага сув сепишни бошлади келин...

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

Шеър – инсон қалбининг акс садоси. Бу садо туйғун ва ҳиссиётларга бой бўлади. Шунинг учун бошқалар шуури, юрагига таъсир қилади. Таниқли ўзбек шоири Муҳаммад Юсуф шеърларини юртида айниқса ёшлар жуда севиб, ардоқлаб ўқишади, ёд олишади. Турли анжуманлар, байрам ва тўйлар шоирнинг шеърлари билан зийнатланади.

Яқинда Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида таниқли шоир ва таржимон Исмоил Таған томонидан Муҳаммад Юсуф шеърлари туркман тилига таржима қилиниб, “Биз бахтли бўламиз...” номи билан нашр бўлди. Табиийки, бу асар шоирнинг 70 йиллик муборак ёши учун муносиб совғаидир.

“КЎК ЁРИШГАЙ ТУҒИШГАНЛАР
ТОПИШГАНДА...”

Муҳаммад Юсуф шеърлари туркман тилида

Муҳаммад Юсуфнинг барча шеърлари ўзининг соддалиги билан улугвор таъсир қувватига эга. Шоир ўзини англагани боис кўп шеърларида ўз “мени”га диққатни қаратади:

*Мендан нима қолар,
Икки мисра шеър,
Икки сандиқ китоб,
Бир уюм тупроқ...*

Муҳаммад Юсуфдан шеърят мўхлислари учун “икки мисра шеър” эмас, кўплаб шеърый мажмуалар мерос бўлиб қолгани ва бугун улар қардошларимиз қалбидан ҳам ўрин олаётгани қувонарли ҳолдир. Ўзидан бу оламда нима қолишини ва ўзи билан у дунёга яхши, эзгу, бебаҳо амалларни олиб кетишини теран англаган инсонгина бошқалар қалбидан жой ола билади. Бундай шоирлар ўз элини, ўз тилини,

ўз онасини яхши кўради; ўзи англаган ҳақиқатни очиб-ойдин ёзади. Шу маънода, Муҳаммад Юсуф шеърларида ўзбек халқининг турмуш тарзи, бир инсоннинг юрак дарди, ҳаёт ҳақиқати акс этади. Шоир ижодидида она Ватан, унинг улугворлиги, қадимийлиги, шон-шарафи ва бугунги хуррият-истиқлоли мадҳ этилади. Ота-она, дўст қадри, ўзбекона миллий урф-одатлар, қадриятлар мавзуси бадий талқин қилинади. Шоирнинг “Дўғли”, “Белбоғ”, “Тўн ҳақида шеър”, “Она тилим”, “Оқ тупроқ” ва бошқа қатор шеърлари халқона услуби билан ажралиб туради. У ишқ-муҳаббатни ўзига хос равишда тараннум қилади. Шу боис жуда кўп санъаткор-қоғизлар унинг шеърларини кўшиқ қилиб айтишди. Умуман, Муҳаммад Юсуф шеърятининг умумпафоси хусусида кўп яхши фикр-мулоҳазалар билдириш мумкин...

Туркман тилида нашр этилган “Биз бахтли бўламиз...” тўпламига киририлган шеърларни ўқиш асносида унда Муҳаммад Юсуф лирикасига хос барча шакл ва мазмун фазилатлари сақлаб қолинганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу табиийки, таржимоннинг замонавий ўзбек шеърятини яхши билиши билан боғлиқ. Зеро, мен Исмоил Тағаннинг кўплаб ўзбек шоирларининг асарларини маҳорат билан туркман тилига таржима қилгани ва уларни “Дийдор” номи остида бир китобда жамлаганидан хабарим бор. “Дийдор” таркибидан Муҳаммад Юсуфнинг ҳам бир қисм шеърлари ўрин олган эди. Ҳажман каттагина “Биз бахтли бўламиз...” китоби эса ўша таржима ва тажрибаларнинг мантикий давомидир.

Туғишган қардошларнинг қалбидан, шеърларида ифодаланган дарду қувончларидан хабардор бўлиб таъсирланиш, табиийки, юракда бир ёруғлик пайдо қилади. Бундай шеърлар элларни элларга, дилларни дилларга мустаҳкам боғлайди.

Муҳаммад Юсуф айтмоқчи:

*Кўк ёришгай туғишганлар топишганда,
Кенгашганга тор дунёлар кенг бўлади.
Бўлар элда ботирлар от чопишганда,
Тоғлар қўчиб тўпигага тенг бўлади.
Қучоқ очиб дийдорига чиқ, Туркистон,
Тарқаб кетган болаларинг йиғ, Туркистон!*

Дўстлик, туғишганлик, кенгашиш, ботирлик – булар гоҳида тоғлардан ҳам юксак бир мартабани эгаллайди. Назаримда, маҳоратли таржимон ва шоир Исмоил Таған учун ҳам ўз кўнглига яқин шоирнинг ҳиссиётлари, қардошларнинг ўзаро оғзибирлиги ва ботирлиги муҳимдир. Шу йўлда баракали ва жиддий ижод қилаётган Исмоил Таған қаламига қувват тилаймиз.

Баҳоидир НУРМУҲАММАД

“МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР САЙЛИ”
ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

ХУШҲАБАР

Кейинги йилларда миллий адабиётимизнинг сара намуналари кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, чет эллик китобхонлар қўлига ҳам етиб бормоқда. Хусусан, ўзбек романчилигининг илк намунаси ҳисобланган “Ўткан кунлар” асари яқинда араб тилига ўғрилиб, Қоҳира шаҳрида “Ўткан кунлар: Туркистондаги аччиқ севги қиссаси” номи билан нашр этилди.

Қайд этиш керакки, ушбу нашрни амалга оширишда романнинг араб имлосига асосланган ўзбек ёзувидаги илк нусхаси ҳамда унинг рус ва инглиз тилларидаги таржималаридан фойдаланилган.


“ЎТКАН КУНЛАР” АРАБ ТИЛИДА

Абдулла Қодирий таваллудининг 130 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда мамлакатимизнинг Миср Араб Республикасидаги элчихонасида араб тилидаги “Ўткан кунлар” романининг тақдироти ўтказилди. Ўзбекистоннинг Миср Араб Республикасидаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Мансурбек Қиличев тадбирда иштирок этган ушбу мамлакат илмий ва адабий жамоатчилиги вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда кейинги йилларда юртимизда китобхонликни ривожлантириш, мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг бебаҳо намуналарини оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот бериб, атоқли адиб Абдулла Қодирий ижодининг ўзбек халқи миллий маънавияти юксалишида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

Китоб тақдиротида Абдулла Қодирий уй-музейи раҳбари, улуг адибнинг набираси Хондамир Қодирий, асар таржимони, профессор Муҳаммад ал-Жибали, Миср-Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси Мағди Заъбал “Ўткан кунлар” романининг фа-

зилатлари ҳақидаги фикрларини баён қилишди. Жумладан, ушбу бебаҳо асарнинг араб тилига таржима қилиниши ўзбек халқининг бетакрор маданияти, қадрият ва анъаналарини Яқин Шарқ халқлари орасида кенг тарғиб этишда катта қадим бўлишини қайд этишди. Асар таржимони келгусида ушбу йўналишдаги изланишларини давом эттириб, ўзбек адабиётининг сара намуналарини араб китобхонлигига янада кенг-роқ таништириш истагида эканлигини маълум қилди.

“Ўткан кунлар”нинг арабча нашри муқовасида унинг 1925 йилдаги илк нашрига ишланган суратдан фойдаланилган. Минтақадаги энг йирик “Дор ул-маориф” нашриётда чоп этилган ушбу романи Мисрдаги нуфузли кутубхона ва университетлар, таълим-тарбия ва маданият муассасалари ҳамда Қоҳира шаҳридаги хорижий дипломатик корпус вакилларига тарқатиш кўзда тутилган. Яқин вақтларда мазкур роман таржимасини бошқа араб давлатларида ҳам нашр этиш режалаштирилмоқда.





БИЗГА МАКТУБ

Кўз кўнгил ўрганиб қолганлардан осонгина воз кечолмайди. “Қадрдон” сўзининг жозибаси, кучи ҳам шунда. Шу маънода, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг фаолияти тугатилиб, ўрнига “Jadid” деб номланган янги нашрнинг чоп этила бошлагани муносабати билан ижтимоий тармоқларда билдирилган баъзи фикрларни оғриқли қабул қилиш керак эмас, деб ўйлайман. Нималарнидир тушуштириб, нималарнидир айтиб уларга жавоб бериб ўтириш ҳам шарт эмас, назаримда. Яхшиси, бор кучини янги газетани том маънода ўқувчилар учун семимли минбарга айлантиришга сарфлаган маъқул. Шунинг ўзи билдирилётган фикрларга муносиб жавоб бўлади.

“Jadid”нинг уйимизга келган бир неча сонини ўқиб чиқиб, мен юқоридagi гапни айтмасам ҳам, газета жамоаси худди шу йўлда – тўри йўлда эканлигини англадим.

Сўзликларимиздаги барча сўзларни ўрни-ўрнида ишлатсак, ҳар бири олмосдай ярқирайди. Аммо “ҳақида” деган сўз (аслида, бу сўз ҳам эмаску-я!) менинг гашимни келтиради. Нима учун асарнинг ўзи турганда, у “ҳақида” ёзилган нарсаларни ўқувчига тақдим қилишимиз керак, деб жаҳллардим кўпинча. Ахир ҳеч қайси манба оригинал бўлолмайди-ку. Шу маънода, янги нашримизда Абдулла Авлонийнинг “Маданият тўлқунлари”, Саид Аҳрорийнинг “Фикр тарбияси” каби мақолаларининг асли берилганидан хурсанд бўлдим. Чунки газетхон учун бундай мақолалар шунчаки ахборот манбаи бўлмайди. “Ҳақида”ни ўқигандай кимнингдир фикрини қабул қилиб қўя қолмайди. Фикр майдонига ўзи қиради. Халқона айтганда, калласини ишлаштири керак бўлади. Тушуниш, англаш,

ЎЗИНИ ЖАМЛАСА, ҲАР ОДАМДА ЛАШКАР КУЧИ БОР

хулоса чиқариш... Бу жараёнларда тафаккур чархланади, ўсади.

Биз бугун ватанпарварлик ҳақида кўп гапиряпмиз. Дарҳақиқат, Ватанини чин ватанпарварликкина буюклик чўққисига кўтарадиган қудратдир. Лекин бу туйғу “ҳеч нима”нинг устида пайдо бўлмайди. Бунинг учун Ватан сен жонингни фидо қилишга арзийдиган муқаддаслик эканини билишинг керак. Билишинг энг ишончли воситаларидан бири – ўзликни таниш. “Jadid” газетаси саҳифаларидаги “Мухторият лойиҳаси”, “Жиззах кўзгони”, “Қурашхона кўзгони” каби мақолалар ана шундай энг керакли “билиш” учун хизмат қилади. Бундай мақолалар кўнглимизни “Ўзбек халқи қўллик бўйинтуруғини бўйнига осонгина кийиб қўя қолган” деган тавқи лаънатдан халос этади. Ўзимизни ўзимизга яхши кўрсатади.

Бир неча жасоратли китобларни нашр қилиб, хусусий нашрлардаги имконият майдонларини дадил намён қилаётган Санжар Назар, амал курсиси кўнглидаги гўзал дунёга соя туширмаган ажойиб рассом Акмал Нур билан суҳбатлар ҳам сохталикдан узоқлиги, самимияти билан кўнглимга ўтиришди. Ёшларнинг шеърляти, насрига саҳифалар ажратилганлиги бизга танишиш мақсадида яхши бўлса, ўзлари учун шундай нуфузли нашрда чоп этилганлиги қувончли. Истеъдодига ишончлари ортади. “Шоирман, адибман”, деган даъволари юқорилайди. Бу – яхши туйғу.

Газетанинг тили ҳақида бошқача бир меҳр билан гапириш мумкин.

“Ишончли тирилтириш керак!”, “Ўйгон, болам!” сарлавҳаларининг ўзиёқ ўқувчини сергак тортиради. Биродарларимиз Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Аъзам, Назар Эшонқул каби қарашларида собит инсонларнинг нашр даврасига йиғилгани ҳам маъқул иш. Кимгадир ёқш учун эмас, ўзига ёқадиган гапларни айта оладиган бундай шахсларга кўпроқ минбар берилса, газетага ҳам, газетхонга ҳам фойда. “Қачон йўлимизни мунаввар қиладиган илмли йўлбошчиларга қулоқ тутамиз?”, “Ернинг уволидан кўрқди”, “Дарсни бузишга ҳеч кимнинг, ҳатто, ҳокимнинг ҳам ҳаққи йўқ” ... Мақолаларга жон бериб турган бундай гаплар газеталардаги ўқувчини ўзидан итарадиган сийқалиқдан узоқроққа – бошқача бир ҳаволарга олиб кетади.

Ўқиш жараёнидаги қониқш билан бирга менда бир неча таклифлар ҳам пайдо бўлди. Балки, бу таклифларим нашр учун янгилик эмасдир, агар шундай бўлса, узр. (Менда айни чоғда югуриб кўчага чиқиб газета олиб келиш имконияти йўқлиги, чоп этилган барча сонларни ўқий олганимни ҳисобга олиб узримни қабул қиларсизлар, деган умиддаман).

Тарихимизнинг оқ доғларидан яна бири – “босмачилик” деб нотўғри аталган миллий озодлик ҳаракати... Албатта, бу бутунлай очилмаган кўрик эмас. Лекин ҳаракатнинг йирик раҳбарларини бор эни-бўйи билан кўрсатиш керак. Шермат кўрбоши, Иброҳимбек, Мадамминбек, Эргаш кўрбоши, Хуррам кўрбо-

ши... Хатолари, жасорати... Мағлублик сабаблари...

Ҳар бир даврнинг, ҳар бир соҳанинг ўз жадидлари бўлган... Масалан, мен Чўлпон Эргаш, Асқар Қосимов каби етмишинчи йиллар адабиётида ўзига хос ўрни бўлган, унча-мунчалар юраксиниб айтмаган гапларни айта олган шоирларни биламан. Улар ижодига ҳам жой берилса, ёмон бўлмасди.

Хумоюн Акбаровнинг “Бизни қийнаётган саволлар” сарлавҳали мақоласини ўқидим. Бундай саволлар бугуннинг тўлқинларида юзага чиқиб турибди. Нимага халқ таълимига шу қадар эътибор берилаётган даврда ҳам мактабларда (айри мактабларда эмас, мен ёлпасига мактабларимизни назарда тутяпман) сифат ўзгариши баланд эмас, нега битирувчилар ота-онасининг пули билан репетиторга қатнагандан сўнггина олий ўқув юртларига қира олишяпти? Мактаб кучисими? Қандай монелик бор? Нимага ўзимизда баъзи мураккаб операциялар амалга оширилаётганига қарамай, баъзи фуқароларимиз пулхалтасини кўтариб Ҳиндистон, Россия, яна алла қаерларга чопяпти... Ишончсизлик нимадан? Нимага мамлакатимиз раҳбарининг ўзи “Менга деворнинг юзасини кўрсатиб овера бўлмаганлар, нариги ёғида нима борлигини биламан” деб талаб қилиб турган бўлса-да, ҳўжақўрсинлик, ясамаликка бутунлай чек қўйилмаяпти? Аҳолимизнинг аксарият қисмида нега ҳўжақўрсинликка майл бор?

Бундай саволлар оз эмас... Менимча, соҳа мутасаддилари, ҳатто энг кат-

та раҳбарларига ҳам юзма-юз мулоқот қилиш айни муддао бўларди. Ният – бировни қоралаш, нималарнидир фош қилиш эмас, балки жамиятнинг юрак зарбларини билдириш, ростликка яна-ям яқинлашиш. Уша раҳбарларнинг ҳам эҳтимол дил-дилидан бўладиган суҳбатларга эҳтиёжи бордир? Бир хилдаги одатий саволлардан безгандир? Ойдин Йўлдошева, Муҳайё Пирнафасова каби (барча муаллифлар ҳам худди улардек алоҳида ажратиб кўрсатишга арзийди) одамларнинг юраклари қулфини оча оладиган муаллифларни юбориш керақдир улар ҳузурига? Бундай саволларни ўртага қўйишга нашр раҳбарининг ҳам маънавий ҳуқуқи бор, деб ўйлайман: депутат, халқ шоири... Боз устига, газета саҳифаларидан сезилиб турган бош муҳаррирнинг ўткир диди, дадиллиги ҳам бундай фикрни айтишга асос беради.

Туркий дунё бирлиги, ўзимизни шу дунёнинг бир қисми деб тасаввур этишимиз, бу дунёнинг яна ҳам жипслашишга хизмат қилиш (бу жадид боболаримизнинг ҳам орзуси бўлган, биласиз) масаласига ҳам кўпроқ эътибор қилинса...

Яна ўзимизда бўлаётган илмий кашфиётлардан аҳолининг бу борадаги хабардорлигини оширишга ҳаракат кўпроқ бўлса... Ахир, бутун умр боболаримизнинг кашфиётлари билангина фахрланиб юролмаймиз-ку... Бугун ҳам дунёга кўрсатса бўладиган ихтироларимиз бордир. Модомики, “Jadid” газетаси жадид боболаримизнинг фикрли



маърифат билан ўзгартириш орқали жамиятни янгилашдек вазифани зиммасига олган экан, унга бегона мавзу, бегона майдон йўқ. Юрта тегишли оғриқ – унинг оғриғи, қувонч – унинг қувончи. Барча замонларда, шу бугун ҳам шахс даражасига кўтарилган инсонларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилса, айниқса, қийинчиликларни енгиб ўтишдаги сабр-матонатига ургу берилса, газета ютади. Чунки баланд овозда гапирса бўладиган эзгулик энг қийин машаққатлардан сўнг ўртага келади. Одамлар овоз яшашининг осон яшаш эмаслигини билишлари керак.

Мен саксон саккиз ёшнинг қарийб олтимиш беш йилдан ошқирғини миллат озодлиги, шахс мустақиллиги, ҳақиқат устуворлиги йўлида баҳоли қудрат хизмат қилиб келаётган бир зиёли сифатида ишени севиб, чинакам садокат билан меҳнат қилаётган жамоага саломатлик тилайман. Қаламингизга қувват ёр бўлсин. Ҳақиқат мезонингиз, Ватан меҳри қудратингиз, буюк миллат бўлиш орзуси мақсадингиз бўлишини истайман.

Сизларга меҳр билан
Миразиз АЪЗАМ

УЧРАШУВ



МАЪРИФАТ УЛАШАЁТГАН АДИБЛАР

Шу кунларда мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларида таниқли ёзувчи ва шоирлар иштирокида “Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасида адабий-маърифий тадбирлар ўтказилляпти. Бундан кўзланган мақсад талаба ва ўқувчиларни мутолаага ундаш, бадий дидини ошириш, уларни ватанпарварлик ва юрт келажигига дахлдорлик руҳида тарбиялаш, дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, адибларимизни уларга танитишдан иборат.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 156 нафар таниқли аъзоси республикамиздаги 202 та олий таълим муассасаси ва 606 та умумтаълим мактабига бириктирилиб, ҳар икки ойда бир марта учрашув ва маърифий тадбирлар ўтказиш белгиланди. Тадбирларга мактаблар жойлашган маҳалла фуқаролари ҳам жалб этилади. Мазкур лойиҳанинг таъсирчанлиги ва натижадорлигини таъминлаш мақсадида барча тадбирларга олдиндан пухта тайёргарлик кўриляпти.

Ижодий учрашувлар шу йилнинг апрель ойи иккинчи ярмидан бошланган бўлиб, май ойининг охирига қадар давом этади. Хусусан, лойиҳа доирасида кўни кеча таниқли ижодкорлар Абдунаби Бойқўзиёв ва Зебо Мирзо билан Чирчиқ давлат педагогика университетига бўлиб ўтган учрашувда қатнашдик. Шоирлар ўз ҳаёти ва ижод йўли ҳақида ёшларга сўзлаб берди. Ижодий муҳит, китоб мутолааси, устоз шоирларнинг ибратли умри, бугуннинг адиблари ҳақида сўз борди. Учрашув мушоирага айланиб кетди. Адибларга рассом талабалар томонидан чизилган ўзларининг портретлари совға қилинди.

Бу каби қизгин тадбирлар юртимиз бўйлаб юксак савияда ўтказилляпти. Адиблар билан бўлаётган учрашувларни адиблар, таржиман ҳоли катта экранларда намойиш этилиб, улар тўғрисида роликлар таълим муассасасининг веб-саҳифаси ва ижтимоий тармоқларида эълон қилиняпти. Ёзувчи-шоирларнинг асарларига бағишланган онлайн викторина, “Мунозара” клуби, “Заковат” интеллектуал ўйини, спектакль,

мушоира кечаси на челленжлар уюштириляпти. “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кўчатлар экиляпти, гулхан атрофида суҳбатлар бўлиб ўтяпти.

Бу лойиҳада қатнашаётган шоир ва адибларни моддий рағбатлантириш ҳам кўзда тутилган. Уларнинг ижодий сафари билан боғлиқ барча харажатлар – бориб-келиш йўл чипталари, меҳмонхона ва овқатланиши таклиф қилувчи олий таълим муассасаси томонидан талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплаб берилляпти.

2023-2024 ўқув йилида адиблар билан 808 та учрашув ўтказиш ҳамда уларга 326 минг нафар (50,6 фоиз) талаба, 303 минг нафар ўқувчини қамраб олиш назарда тутилган. Талабаларга ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг яхши 150 та асари ўқиш учун тавсия қилиниб, 49 та фильм, 29 та спектакль намойиш этиш режалаштирилган. “Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасидаги тадбирлар барча турдаги оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб бориляпти.

Олий ўқув юртларининг маънавий-маърифий соҳада амалга ошираётган ишлари доимий мониторинг қилиниб, махсус рейтинг тизими орқали баҳолаб борилади. Бир календарь йили давомида энг юқори балл жамғарган 20 та олийгоҳни моддий ва маънавий рағбатлантириш, энг паст балл тўплаган 20 та олийгоҳ раҳбарларига нисбатан иқтисодий жазо қўллаш назарда тутилган.

Тадбирлар давомида ижодкор талаба ва ўқувчиларнинг бадий асарлари сараланиб, Ёзувчилар уюшмаси томонидан тўппам шаклида нашр қилинади.

Ўқувчилик кезларим мактабимизга шоир Менгнор Олломурад ижодий учрашувга келганди. Шунда у бизга “Юрагимда йиғлаб турган қиз” китобини совға қилган. Уша учрашув ва адибнинг китоби менинг хотирамда бир умрга муҳрланлиб қолди, шундан бошлаб шоирларнинг ижоди ва ҳаётига ҳавасим уйғонди. Юксак туйғулар мурғак юракларда оловланади, деб шунга айтишлар керак. Ижодкор бўлиб етишишимга ўша учрашув сабаб бўлса, ажаб эмас.

Бугун юртимиздаги таълим масканларида уйғоқ қалб ва теран тафаккур соҳиблари бўлмиш адиблар билан ўтказилаётган “Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасидаги ижодий учрашувлар ҳам миллионлаб қалбларни уйғотишига, минг-минглаб талаба ва ўқувчиларда миллатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини алангалатишига ишонаман.

Фозил ФАРҲОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ҲАМКОРЛИК

ТОШКЕНТДА “ФРАНЦУЗ-ЎЗБЕК ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС КУНЛАРИ”

Жорий йилнинг 16–18 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Франциянинг “Дуалест” компанияси томонидан ташкил этилган икки мамлакатнинг туризм, маданий мерос, музей ва ижодий соҳа вакиллари ўртасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва тижорат алоқаларини ўрнатиш бўйича конференция ва Франция-Ўзбекистон ҳукуматлараро ҳамкорлик тадбири бўлиб ўтди.

Унда урбанист, архитектура муҳандислиги агентлиги, фейрверк ва ёритиш жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда француз тадбиркорлари музейларга сайёҳларни жалб қилишда иммерсив лойиҳалар, болалар ва ўсмирлар учун музейларда инклюзив ечимлар каби йирик лойиҳалар билан иштирок этишди. Ушбу хорижий компаниялар узоқ йиллардан буён фаолият юритиб келади. Жумладан, биргина ёритиш-чироқлар ишлаб чиқарувчи завод дунёнинг гавжум кўчалари ва ҳатто “Эйфель” минорасини ёритиш ишларини ҳам амалга оширган.

Шунингдек, тадбир доирасида Тошкент шаҳри ва вилоятининг мазкур соҳадаги салоҳияти ҳам тақдимот қилинди.

Тошкент вилоятининг туризмга ихтисослашган худудларида Франция архитектураси асосида энергияга тежамкор меҳмонхона ва чанги курорти қуриш режа қилинди. Шу билан бирга, экоқишлоқлар дизайнини яратиш бўйича ҳам Франциянинг йирик компанияси вакиллари билан муҳокама йиғилиши ўтказилди. Унда қурилиши режалаштирилаётган меҳмонхоналарда сув тежашни йўлга қўйиш, табиий қувват олиш тизимини яратиш бўйича лойиҳалар кўриб чиқилди. Тошкент вилоятининг туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, жумладан, “Узумфермер” виночилик ва “Moon Travel” туроператорлик компаниялари келгусида ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан бир қатор келишувларга эришди.



“Француз-ўзбек туризм ва маданий мерос кунлари” доирасида ўтказилган барча тадбирлар икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, юртимизда туризм салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшади деб ишонамиз.

Одинахон ҒУЛОМЖОНОВА,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими



ҲИКОЯ

ТҮЙДАН ОЛДИН



Султон ПАЕВ, Қирғиз халқ ёзувчиси

– Алло!..
– Алло. Ким бу?
– Кечирасиз... нол беш, юз эллик уч, эллик саккиз, етмиш олтими?
– Ҳа, шундай.
– Охирги рақами ўн уч.
– Ҳа, ўн уч. Кечирасиз, мен сизни танимадим. Кимсиз, адашиб тушмадингизми?
– Мен-ку адашганим йўқ, бу – аниқ, аммо сизга нима бўлди? Бирор жойга шошиб турибсизми дейман, ё уйингизга ўт тушди?
– Нима, нима? Тушунмадим. Ким ўзи бу? Қанақа ўт? Адашдингиз...
– Йўқ, менинча, сиз адашяпсиз. Телефонингизни тўғри тердимми? Исмингиз нима?
– Ҳа, тўғри тердингиз.
– Демак, адашганим йўқ. Мен сизга кўнғироқ қилганман.
– Бу билан нима демоқчисиз? Мен сизни танимайман. Сиз ҳам мени танимайсиз. Нега энди эски танишингизга кўнғироқ қилаётгандай гапирасиз?
– Таниш бўлмасак, танишамиз-да. Бунинг қийин жойи йўқ. Нима, хотинингиз ёнингизда турибдими? Овозингиз қалтираб чиқаётибди. Демак, хотинидан кўрқадиган эркаклардансиз...
– Бекорларни айтибсиз. Хотинидан кўрқадиган эркак эмасман. Сиз ўзи мени бирор жойда кўргансизми, танишганимизми?
– Таниш бўлмасак, танишамиз, деб айтдим-ку. Менинг исми Лира.
– Лира?
– Олдингиздан илон чиқиб қолгандай кўрқиб кетдингиз. Лира исмли таниш ойимингиз йўқми?
– Йўқ, бунақа исмли аёлни таниш у ёқда турсин, тушимда ҳам кўрган эмасман.
– Сал оширвордингиз, бегим.
– Уфф, бу тасқара ким бўлди ўзи? Ҳозир гўшакни жойига қўяман.
– Ҳай-ҳай. Бундай қилманг. Юрагимни чиқариб дедингиз-ку. Рақамингизни биламан, қайта-қайта телефон қилавераман.
– Қанақа худо урган одамсиз ўзи?
– Нимага жўл қиласиз? Исминини эшитиб, ўзингиздан кетай деб қолдингиз. Ҳалигача исмингизни айтмадингиз. Билсак бўладими?
– Исмин Самад. Шунча исмли танишингиз борми? Йўқ!
– Яхши исм экан. Тўғри, Самад исмли танишим йўқ, аммо нега энди шундай киши билан танишмаслигим керак?
– Ушлаган жойини узадиганлардан экансиз. Майли, ўзингиз ҳақингизда бир-икки оғиз гапириб беринг.
– Кўрқяпсиз-а? Кўрқманг. Нью-Йоркдаги баланд иморатларни куллатган эмасман, Қолизей фожиясида ҳам менинг кўлим йўқ.
– Гап деганин жуда ўрнига кўяр экансиз.
– Ҳа, шундай. Ҳазил-хузул қилиб гаплашадиган бошқа чорам қолмади.
– Тушунмадим. Унчалик эмас-дир-ов?
– Эртага турмушга чиқяпман.
– Нима-нима? Турмушга чиқяпман?
– Вой, иссиқ сут оғзингизни куйдирди, нега ҳаяжонланяпсиз?
– Мана энди ҳаммаси аниқ бўлди – сиз адашиб, бутунлай бошқа кишига кўнғироқ қиласиз.
– Пардон. Исмингиз Самадиди? Шу рақам сизникими?
– Меники бўлса, нима қипти? Барибир, мен сизни танимайман.
– Бу муҳим эмас, балки... хушторим бўлиб қоларсиз?...
– Нима-нима?
– Нима-нима – эшитганингиз, сувга бўккан така!
– Яхши қиз, бирор нарсани тушунаётган бўлсан, ўлай агар. Бошим ғовлаб кетди. Сиз бўлса...
– Бошингиз жойида турибди. Анқовланманг. Ёшгина, энди-энди турмуш қурмоқчи бўлиб турган бир хурлиқо кўнглинги булман деб турса, нега бурнингизни жайирасиз? Тан олинг – хоҳлайсиз-у, аммо кўрқасиз...
– Кўрқ... кўрқётганим йўқ.
– Овозингиз титраётганидан билиниб турибди-ку! Кўрқманг, бўлажак эримга бир ой аввал ўзимни топшириб бўлганман.
– Нима-нима? Ахир эртага тўй-ку?
– Ана энди очиласиз. Мен ҳам очилай – ваннада қип-яланғоч чўмиляпман. Эшитяпсизми?
– Худо уриб қўйибди сизни...
– Гапни бошқа ёққа бурманг. Сиз, эркаклар, биласизми, кимсизлар ўзи?



– Мана. Ўзим ҳам шундай бўлса керак деб ўйлагандим. Платон, Диоген, Монтескье, Конфуций, Ницше денг? Тентақлар тўдаси. Мияси тамом айниб бўлган киши экансиз-ку. Мияси айнамаган одам философияга яқинлашмайди.
– Кечирасиз, индамасам, сиз... жуда...
– Нима, файласуфларнинг устидан кулсам қулибман-да. Майли, уларни кўя турайлик, аммо икковимиз эски танишлардай бўлиб қолдик. Ҳали кўрмасам-да, сизни ўзимга ўйнаш қилиб олишга уриниб ётибман. Билиб қўйинг, мен дуч келган эркакка бундай имконият бермайман.
– Мартабангиз анча баланд экан. Шунисига ҳам раҳмат.
– Нега энди шивирлаб гапиряпсиз? Нима, хотинингиз эшик олдида келиб, сўзларингизни тинглаб турибдими? “Ҳой хотин, хархаша қилма, мен жонимдан ортиқ севган хушторим Лира билан гаплашяпман”, десангиз бўлмайди? Эҳ, бечора эркаклар, хотинлари олдида шунча титрашадилар... Сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, хурматли файласуф. Диоген нима сабабдан бир умр бўчқанин ичида яшаган?
– Буни билмайман, эшитмаган эканман.
– Билмаган бўлсангиз – билиб қўйинг: хотини уйдан қувиб солган.
– Нахотки?
– Худди шундай. Хотинидан кўрққан эркакда “қўшимча” майдон бўлмайди. Кўнглишуши тутиш осон эмас, бунга ҳам юрак керак. Менга ўхшаган ёш қизчага илашиб учун эркакнинг акам бошини қундага қўйишига тўғри келади. Сизда бундай “роҳат-фароғат” борми ўзи? Файласуфларнинг сочи товуқ олдин яралганми ё тухумми, деган саволга жавоб топа олмай оқаради. Дадамнинг файласуф бир дўсти бор, гаплашсангиз, оғзидан алламбало атамлар тушмайди: апофансиз, креацианизм, логоцентризм, рефлексия, сўфизм, гнозис, нозис...
– Буларнинг ҳаммаси илмда бор гаплар. Менга қаранг, сиз менинг ёшим нечадалигини биласизми ўзи? Билмасдан ўзингизча...
– Ёшинг нима аҳамияти бор?
– Айтдим-қўйдим-да.
– Шунчаки айтган бўлсангиз, эшитинг. Ёшингиз эллиқда. Икки қиз, бир ўғлингиз бор. Титраб, биров эшитиб қолмасин, деб шивирлашингиздан кўринадики, хотинингиз эркак зотининг жонини сугуриб оладиганлардан. Эллиқка яқинлашиб қолган. Тўғрими?
– Сиз... нима десам экан, кўп нарсаси биладиганга ўхшайсиз. Ҳа, ёшим

бўлди – кўп нарсаси кўз юмади.
– Мен сиздан анча каттаман.
– Дарвоқе, ёш ҳақида. “Мухаббат ёш танламайди” деган гапни ким айтган?
– Ёдимда йўқ.
– Пушкин айтган.
– Пушкин шундай деган бўлса, тўғри айтган бўлиши мумкин.
– Даҳолар хато қилишмайди. Мен сиздан яна бир нарсани сўрамоқчи эдим.
– Сўранг, аммо жўрмагингиз очиқ қолганми, сувнинг шилдираши эшитилмапти...
– Мен сизга айтдим-ку, ваннада чўмиляпман, деб. Онадан қандай туғилган бўлсам, шу кийимданман. Сиз бўлсангиз, эркак сифатида бунга эътибор ҳам қилаётганингиз йўқ. Яна бу кишини маъшўқликка чақириб ётибман-а.
– Кечирасиз, мен... ҳалиги... сиз ўйлаётган нарсаси ҳақида бир нима деганим йўқ.
– Майли, ўзингизни оқламанг. Кўнглим учун бир оғиз “Майли, мен розиман” деб қўйиб қийинми? Шунга айтишга ҳам кўрқасизми? Мендан асло чўчиманг. Ақли-хуши жойида қизман. Кўринишим бинойидек. Қундуз қўшиғи куйлагандек, “қоматим 90х60х90”. Ўттиз икки тишим бутун. Яхшиси, яна битта нарсани сўрай.
– Сўранг, жавоб беришга ҳаракат қиламан.
– “Ҳаракат қиламан” деганингиз нимаси. Ланж одамни ёқтирамайман. Тўғриси айтинг – менга жазман бўласизми, йўқми?
– Тўйим бўлади, эрим бор, дедингиз-ку?
– Бор деса ҳам бўлади, йўқ деса ҳам. Никохдан ўтганимиз йўқ.
– Эсингизни йинг. Эртага тўйингиз. Мен сизларга бахт, узоқ умр...
– Э, тўхтатинг бунақа ҳавойи гапларни. Жонимга тегиб кетган. Менга ақл ўргатманг.
– Эшитсангиз фикримни айтмай.
– Нима фикр айтишингизни билиб турибман. Айтинг.
– Кимгадир маъшўқа бўлсангиз, эрингизнинг кўзига қандай қарайсиз? Фикримни очиб айтганимиз?
– “Кечирасиз”, “Очиқ айтмай” деган сўзлардан бошқасини ҳам биласизми? Эркакка ўхшаб, шартта-шартта бўладиган гапни айтинг-қўйинг-да.
– Бўлажак эрингизни яхши кўрасизми?
– Ҳмм...
– Нега овозингиз чиқмай қолди?
– Ҳозир, ваннадан чиқиб олай.
– Алло?
– Ҳа, гапирaverинг.
– Бўлажак эрингизни севасизми, деб сўраяпман.

файласуф оғай. Сизлар севги у ёқда турсин, кундалик турмушнинг оддий икир-чикирларини ҳам билмайсизлар. Севгини тинч қўйинглар. Бу тўйуғни ҳис этиш қўлнингиздан келмайди. Ишқ боғидан жуда узоқдасиз. Жуда узоқда! “Йўқ, ундай эмас, севгини биламиз, қадрига етамиз”, деб айтишингиз мумкин. Ҳўп, шундай ҳам дейлик. Унда, эшикдан мўралаб турган хотинингизга қараб, эшиттириб, бор овоз билан: “Жоним, ҳаётим, мен сенга ишқингда девона бўлиб уйланганман”, денг-чи? Қани, марҳамат? Ие, нега овозингиз чиқмай қолди? Ҳой, файласуф тоға, Академиянинг кичик илмий ходими, муҳтарам мизра жаноби олийлари, қайдасиз, ку-ку, овоз беринг.
– Ҳаддингиздан ошиб кетяпсиз, индамасам мени...
– Сал гапгаёқ жаҳлингиз чиқмасин-да. Қон босимингиз кўтарилиб кетса, юракка куч келади. Юрак безовта бўлдики, севгини ҳам лат ейди. Севги лат еса, хотинингиз қийин бўлади.
– Ҳой, нега хотинингиз кўрмай туриб, уни ёмонлапсиз?
– Хотинингизнинг ёнини олапсизми, нима, у ҳали ҳам жонингизга тегмадики? Шундоқ юзига қараб, “Хотинжон, сендек аёл мендек ношуд кичик илмий ходимга увол”, дея оласизми? Деёлмасангиз гўшакни қўлга тутказинг-чи? Қани, беринг унга.
– Хотиним ухлаб ётибди...
– Сиз уни жимоя қилаётганингиздан сизлар севиб-севилиб турмуш қурган бўлсангиз керак, деган фикр келади. Ўзингиз фақат севишганлар турмуш қуриши керак, дедингиз-ку?
– Принцип жиҳатидан қараганда, шундай бўлиши керак.
– Браво! Бис! Беллессимо, муҳтарам файласуф! Сизларни ақл одамлари деб бекорга айтишмаган.
– Фалсафа сўзи бизнинг тилимизда “ақл муҳаббати” бўлади.
– Ақл муҳаббати? Жуда ғаройиб-ку! Ҳаройиб фикр. Файласуф, Ҳаройиб касб. Сизлар ақлни эмас, оддий бир аёлни севиб кўрингларчи. Севги-муҳаббат ҳақида оғиз тўлдириб гапирасизлар, аммо уйдаги садоқатли хотинингизга “Мен сени севман, жонимдан ортиқ кўраман, сен ягонаман”, дея олмайсиз. Сизнинг файласуфона фикрингизга кўра, агар ҳамма бир-бирини севиб турмуш қуришлари шарт бўлса, севишмаганлар қаерга боради? Билиб қўйинг: турмуш қураётган ҳар ўн та ёшдан еттигаси, агар у Худодан кўркса, ёлгон сўзламай, “Мен севмай турмушга чиқмакданман”, деб бемалоп айта олади. Уша еттининг бит-

таси – менман. Сизга, сизга ўхшаган “ақлли”ларга қолса, севги остонасига етолмаган, ишқ боғига қадам босиш насиб этмаган миллион-миллион ёшлар бу дунёда армон билан яшаб, армон билан ўтиб кетишлари керак экан-да, жаноб файласуф? “Улуғ китоб”даги: “Худо севги эмас, севги – Худонинг инсон қалбида зоҳир бўлиши”, деган сўзларни билсангиз керак? Биз бу улуғ ҳикматни унутиб қўймадикми? Қалбимиздаги Худонинг унутмадикми? Худо биз учун ато этган буюк муҳаббатдан узоқлашиб кетмадикми? Унутдик, узоқлашиб кетдик. Мана энди севги-муҳаббат ҳақида қуруқ, ҳеч кимга кераги йўқ сафсата гапларни тинмай чайнаб ётибмиз.
– Ҳмм... Алло, йиғлаясизми?
– Кечирасиз... Ичим тўлиб кетди. Эртага тўйимиз бўлади. Турмушга чиқяпман...
– Кечирасиз, ҳозир уйда бир ўзингизми?
– Ҳа, бир ўзимман. Ёлғизман. Ҳамма қудаларни кетди. Бундан кейин ҳам ёлғиз бўлсам керак. Юрагимда севги бўлмаган одам ёлғиз яшайди. Иложсизман, иложсиз, чорасиз қолаётган миллион-миллион ёшларнинг бириман.
– Ҳа, айтганча, сиз мендан бир нимани сўрамоқчи эдингизми?
– Мени энгилтак экан деб ўйламанг.
– Йўқ-йўқ, мутлақо.
– Сизга нима сабабдан кўнғироқ қилганимни биласизми? Телефон рақамингиз: беш юз эллик уч, эллик саккиз, етмиш олти, ўн уч. Шундайми?
– Ҳа, шундай.
– Беш, беш, уч – бу рақамларни бир-бирига қўшсак – ўн уч, эллик саккиз – ўн уч, етмиш олти – ўн уч, охирги икки рақам ҳам ўн уч. Ўн уч – менинг тақдирим. Сиз нумерология деган фанни биласиз. Рақамлар шунчаки ҳисоб-китоб эмас, уларда инсон тақдирининг ҳам ҳисоботи бор. Мен сизга тақдирим рақамидан келиб чиқиб кўнғироқ қилдим. Ичимдаги бор гапни шу рақам эгасига айтиб, юрагимни бўшатиб олмақчи бўлдим. Қарангки, сизга тушибман.
– Кўплар ўн уч рақамини ҳосиятсиз деб билешади. Аммо бизда бундай эмас, бошқаларда шунча. Бахт рақамга боғлиқ эмас. Ишонасизми, мен ҳар хил баҳоратчиларга, астрологларга, Ванга, Нострадамусга мутлақо ишонмайман.
– Кимга ишонасиз?
– Худого ишонаман.
– Кейин-чи?
– Кейин... Нима десам экан...
– Аёлингизга ишонасиз. Аммо... ишонсангиз ҳам, ишонмасангиз ҳам, буни очиб айтмай олмайсиз. Тўғрими? Ҳаёт ўзи шунча – айтмоқчи бўласан, лекин айтолмайсиз. Менинг сиздан фарқим – юрагимда нима бўлса, очиб айтман, яширмайман. Мен жуда кучлиман. Заҳрур бўлганда ночор одамга ёрдам бера оламан, ёнида тиргак бўлиб туришим мумкин, менга душманлик қилганни эса эзиб ташлайман. Менга ўхшаган аёлларнинг бахтсизлиги – мана шу очиб қилишмади! Биздақаларни ҳамма ҳам ёқтиравермайди. Ичимиз тўлиб-тошиб, шу аҳволга тушдик.
– Тун яримлаб қолди. Эртага тўйингиз. Вақтингизни олаётганим йўқми? Ай, ҳозир, ҳозир...
– Гўшакни қўлингиз билан ёпсангиз ҳам “Ҳозир, ҳозир” деганингни эшитиб турибман. Тақдирим тўғрисида сизга берадиган саволларим кўп эди. Сиз бўлсангиз, хотинингизнинг вазоҳатидан кўриб, гўшакни жойига илмоқчи бўлиб турибсиз. Илтимос, бундай қилинг.
– Ҳозир, ҳозир. Гапирaverинг, эшитяпман.
– Шивирламай гапиринг, шивирлайверсангиз, умрингиз ўтиб кетганини билмай қоларсиз...
– Тўғри, тўғри, гапирaverинг, эртага тўйингиз...
– Тўйим бўлса нима?
– Эрта туришингиз керак-ку, шун-

га... эртароқ ётганингни маъқулми дейман-да...
– Ҳа, эртага тўйим, турмушга чиқяпман. Келин келади деб замонавий қайнотам, деярли шундай қайнонам. “Лексус” машина, ҳашаматли хонсарой, нимжон ва ношуд турмуш ўртоғим китиб турибди. Бахтдан бошқа ҳамма қутмоқда...
– Ҳозир, ҳозир...
– Шошиляпсиз. Турмушга сиз эмас, мен чиқяпман-ку, нега шошасиз? Юрагимда яна нималар борлиги қизиқмайсизми? Сиз билан яна сўзлашгим, ичимлик ичиб бироз сархуш бўлгим келяпти...
– Ҳозир, ҳозир...
– Сизга қанақа ичимлик ёқади?
– Молдованларнинг қизил виноси.
– Бюджет ташиқотларида ичиладиган виноми?
– Унинг шунақа номи ҳам бор денг?
– Арзонлиги учун шундай дейшди. Мен французларнинг қизил вносини хуш кўраман. Ҳозир олдимда сизга маъқул келадиган хилма-хил вино турибди: “Бордо”, “Бургунд виноси”, “Корбьер”, “Бандоль”, “Беллет”, “Кассис”...
– Ҳозир, ҳозир...
– Э, қанақа одамсиз ўзи? Олдингизга Азроил келса ҳам, “ҳозир, ҳозир”, деб гапни олиб қочар экансиз. Сизга қўнглини очаётган, дардини тўкиб солаётган бир бечорага озроқ вақт ажратолмайсизми? Сиз билан тақдирдан зериккан бир кимса гаплашаётгани йўқ! Ҳа, менинг тақдирим бошқача бўляпти – рақамлари қўшилса ҳеч қандай ҳисоб, маъно қилмайди. Мен сиздан айтиб саволларимга жавоб кутдим. Бу дунёни мараз дунё деймиз, уни шу аҳволга туширган ким – ўзимиз эмасми? Ҳа, ўзимиз. Бошқа ҳеч ким, ҳеч нарсасиз эмас! Чунки биз онг-сезимимизни, инсоний туйғуларимизни маразлаштирдик. Бу ёруғ оламда энди ким бахтли? Бўйга етган қизини ёлғироқ жойга узатсам деб юрган онами? Борган жойида тош қотсин дея ният қилаётган отами? Келиннинг қўнгли, орзу-ҳаваси, нозик феъл-атворини лолақизгалдоқнинг баргичалик ҳам кўрмайдиган қайнотами? Ундан қолишмайдиган қайнонами? Ё “Хотиним – менинг мулким”, дейишдан нарига ўтмайдиған хомқалла қўвми? Ким? Ҳеч ким!
– Ҳаёт ҳаммаша шундай бўлган.
– Йўқ, ҳаёт бундай бўлмаган, уни ўзимиз буздик. Уша бузғунчиларнинг ичиди сиз ҳам борсиз. Хурматли файласуф, сиз кўпроқ ақлга эътибор бердингиз, ҳаёт эса эътиборсиз қолди, уни севиш керак эди. Ҳаётни севганингизда, ақлингиз янада тўлишар эди. Тўғриси айтсам, сиз ҳеч кимни юракдан севмаган, ҳеч нарсасига меҳр қўймаган, ҳатто аёлингизнинг хурматини ҳам жойига қўй олмаган ночор бир бандасиз. Сиз каби одамлар билан гаплашиб, вақтинми бекор ўтказганимга, сизлардан маслаҳат сўраганимга, ўзаро диллашиб, ёлғизлигимни бир мuddат бўлса-да, унутмоқчи бўлганимга афсусланаман, ўзимни ўзим кечирмайман, ўзимдан жирканиман. Сиз сўхбатдош бўлишга ҳам арзимайсиз, юрагингиз совуқ, тош. Сизга ўхшаган одамлар ҳаётнинг расвосини чиқарди. Дунёни сизларга ўхшаган ҳисси, туйғусиз одамлар босиб кетди. Мухаббат инсон макромида яшмоқликнинг шартли эканлигини билмайсизлар. Гўшакни жойига қўйинг. Қўйинг дейман. Қанча тез қўйсангиз, шунча яхши. Қўйинг!!
– Алло! Алло! Ало-оо...

Қирғиз тилидан Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ таржимаси.

Муаллиф ҳақида: ТУРКСОЙ халқаро туркий маданият ташкилоти котиби, Қирғиз халқ ёзувчиси Султон Раевнинг номи ўзбек китобхоналарида яхши таниш. Унинг “Чанг кўча”, “Тож” сингаги кўплаб асарлари қирғиз, хитой, рус, украин ва бошқа тилларда чоп этилган. Истеъдодли драматург ва режиссёр сифатида ҳам ном қозонган адабнинг “Аёл”, “Маликанинг фарёди”, “Девор”, “Қизларжон, қизлар” драмалари кўплаб мамлакатларнинг сахналарида халқаро фестивалларини совириларида сазовор бўлган.



ФУЗУЛИЙ – 530 ЁШДА

-1-

Ўзбек халқи маънавияти тарихидаги энг муҳим ва довруқли адабий ҳодисалардан бири жамоавий бўлиб китоб ўқиш, ўқилганларини шарҳлаб, муҳокама қилиш бўлса керак. Зеро, бундай мутолаалар шарофати билан навоийхонлик, бедилхонлик, фузулийхонлик, румийхонлик кенг оммалашди. Жадид зиёлилари даврига келиб, бу ҳодиса ёзма шаклга кира бошлади. Яъни тарихда ўтган алломаларнинг асарларини вақтли матбуот орқали тарғиб қилиш ва талқин этиш жараёнлари бошланди. Хусусан, жадидлар Алишер Навоий, Имом Ғаззолий, Абу Наср Форобий каби алломалар қаторида Фузулийга ҳам диққат қаратишди.

Ўз асарлари таркибидаги образлар – қаҳрамонларни Фузулий китобларига ошно тутинтиришди. Бу жиҳатдан Абдулла Қодирий романлари муҳим аҳамиятга эга. Маҳзун бир эпизодда Отабек Фузулий девонини ўқиб ўтирганида кириб келган Кумушнинг “Фузулий яхши китоб, мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сиз ҳамми?” деган саволи гапини зукко ўқувчи эслаб қолади, албатта. Бундан ташқари, Абдулла Қодирий “Меҳробдан чаён” романидаги Раънога ҳам “Девони Фузулий маъна Лайли Мажнун”ни ўқиганлар қаторидан жой беради. Айни романининг бошқа бир саҳифасида Фузулийнинг “Даҳр бир бозордир, ҳар ким матоъин арз эдэр” мисраси келади.

Аслида, Абдулла Қодирийнинг ўзи Фузулий ижодини севиб ўқигани айтиш ҳақиқатдир. Замондошларининг хотирлашларига кўра, дастлаб, Абдулла Қодирий Кумуш қабрига Фузулийнинг “Ҳамроҳим эдинг бу йўлда, эй моҳ, Ҳамроҳини ташлаб кетарми ҳамроҳ...” мисраларини битмоқчи бўлади. Кейин фикри ўзгаради ва адиб:

*“Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,
Кўзим ёшилу, тилимда қолди фарёд.
Хаётим лазоридин аюрдинг,
Ёқиб жоним, кулим кўкка совердинг,”*
– деган юракларни изтиробга солгучи шеърини ёзиб кўяди.


Юнус Мақсудий “Улуғлар даврасида” номли хотира китобида Чўлпоннинг: “Менимча, Фузулийга Лайли ва Мажнун”ни ёзиш жуда оғир, айтиш жамонда жуда завқли ҳам бўлган. Чунки Фузулий Мажнун қиёфасига кирмай, ишқ йўлида у чеккан азоб-уқубатларни ўз бошидан кечирмай туриб, бундай шоҳ асарини ёза олмас эди. Зотан, Қодирий ҳам Отабек билан маслақдош, ҳамфикр бўлмаганида “Ўткан кунлар” бунчалик шухрат қозонмас эди”, деган фикрини келтиради.

Дарҳақиқат, 20-йиллар адабий муҳитида жадид зиёлилари Фузулийни завқ-шавқ билан мутолаа қилишган. Айни чоғда, унинг ижодида адабий-назарий томондан баҳо бериш жараёнлари ҳам уларнинг зиммасига тушди. Бу ўринда жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуднинг “Фузулий Бағдодий” мақоласи муҳим қиймат касб этади.

-2-

Вадуд Маҳмуднинг ушбу мақоласи 1925 йили “Маориф ва ўқитувчи” журналида нашр этилади. Унда шоир шахсияти ва дунёқараши, асарлари, уларнинг қайси тилда битилгани ҳамда Фузулийнинг Туркистон шоирларига таъсири каби масалалар ёритилган. Муаллиф шоирнинг Бағдод шаҳри атрофида туғилгани, исми Муҳаммад, отасининг исми Сулаймон бўлиб, олани киши бўлганидан, Бағдод “уч буюк – араб, форс ва турк тил ва адабиётининг учрашган майдони” эканидан хабар беради. Шоир ислом маданиятидан баҳраманд бўлгани аниқдир. Хўш, шундай бир шароитда тарбия топган шоирнинг тафаккур тарзи, тили қандай бўлиши мумкин? Фузулийнинг ўз иқрорича, унга араб тилида шеър айтиш унчалик мушкул эмас, негаки ўша даврнинг илмий-адабий тили арабча эди. Баъзан у “форсий иборалар ипига дурру маржон тақиб, ўша мевали дарахтнинг шоҳидаги гулларни” тиради. Аммо унинг зуваласи туркийда пишган, шу боис бу тилда шеърлар ёзиш шоир учун мутлақо муаммо эмас. Туркийча Фузулийнинг асл табиятига мос, она тили ҳам ўшадир.

Вадуд Маҳмуд шоирнинг туркий эканини ўз мақоласида такрор ва такрор ўқтиради. Бунинг сабаби

УЧ БУЮК ТИЛ
ЮЗЛАШГАН
МАЙДОНЎзбек жадид адибларининг
Фузулийга муносабати хусусида

-3-

ҳамда асарларидан олинган жиддий фактларни келтиради. “Фузулийнинг яшадиги муҳити тасаввуфнинг ёйилмасина ва бўямасина сабаб ўлан муҳит дағил-да надири?” Хуллас, Фузулий асарларининг фалсафий асосида маълум даражада тасаввуф таълимоти ётиши аниқ. Ҳатто, нафақат “Банг ва Бода”, балки баҳслашувчининг фикрича, форс тилида ёзилган “Ҳафт жом” асари ҳам Фузулийнинг “даҳо ойдин ва қутли тасаввуфий руҳа молик ўлан” асарлари сирасига кириди.

Али Ҳусайнзодадан сал илгари Вадуд Маҳмуд Фузулий ижодидаги сўфиёна руҳни “исломий тасаввуф” сифатида изоҳлади. Исломий тасаввуф – бу Аллоҳ ҳукмлари ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларига мувофиқ ҳаёт тарзи демакдир. Шунга кўра айтиш тушунча шариятга тўла мос келади; бу йўлдаги инсон ислом дини ҳукмларини иҳсос билан самими бажаради...

Бу улуг шоир дин ва тасаввуфдан бошқа ҳикмат ва тиб сингари илмлардан ҳам воқиф бўлган. Айрим асарларини шу йўсинда ёзган, “Форсийда ҳам бир девон, бир неча қасида ва маснавийти бордир. Фақат булар туркчаси қадар самимий, санъаткорона ва гўзал эмасдир...” Фузулий турк шеърда форсийдаги Ҳофиз қадар (лирик) рубобийдир. Туркда Фузулий каби дардли ва ўтли бир шоир йўқдир.”

Назий тафаккурнинг сўлим гулшанидан таралган мисраларнинг муслиқ оҳанги нозиктаъб инсонни ўзига мафтун этади. Муҳаммад Фузулий ўзидан олдинги сўз гавҳари заргарларининг санъатига ҳавас қилди, дилгир бўлди. Айниқса, Вадуд Маҳмуд таъкидлаганидек, Алишер Навоий асрида Шарқ туркчасидан-чиғатойчадан Ҳарб турклари қаттиқ таъсирланди.

Кузатишимизча, Вадуд Маҳмуд адабий меросга дахлдор мақолаларида “ўзбекча”, “туркча”, “озарбайжонча” тил ва адабиёт истилоҳларини қўлламайди. Авлод-аждоғлари бир, ўтмиши бир-бири билан боғланиб-чатишиб кетган халқнинг икки хил шеvasини икки хил атама – “Ҳарб туркчаси” ва “Шарқ туркчаси” деб номлайди. “Ҳозирда жорий атамалар оммага анча сингиб кетган бўлса-да, ўша 20-йилларда истеъмолда бўлган илмий атамаларни муомалага олиб кирмасдан туриб, туркий тиллар тарихини, туркийларнинг маданий ва фикрий тадрижини батафсил ёритиш мумкин эмас” (Эртуғрул Ямон фикри).

Ҳа, бадиий асарларнинг услуби, тили, оҳанги масаласида ҳам аҳвол шундай. Бир чинорнинг икки катта шохлари ҳар вақт таъсир ва акс таъсир доирасида бўлди. Айтиб ўтганимиздек, Алишер Навоий замонасида Шарқ туркчаси Ҳарб туркчасига сезиларли таъсир қилди. “Фақат Фузулийдан сўнг, – деб ёзади Вадуд Маҳмуд “Фузулий Бағдодий” мақоласида, – Ҳарб туркчаси Шарқ туркчасига таъсирини кучайтирди ва бу кун усмонли лаҳжасининг тақомили билан таъсир яна кучайди.”

Вадуд Маҳмуд мақоласининг “Фузулийнинг Туркистонга таъсири” бўлимида озарбайжон шоирининг гўзал шеърларидан баҳраманд бўлган туркистонлик ижод аҳлининг номларини санайди, уларнинг шеърларидан мисоллар келтиради. Фузулийнинг чиғатойчилик орасида тарқалиши билан унинг лаҳжасида шеър айтувчилар майдонга чиққан аниқ, улاردан баъзилари махсус девонлар тузишган, Умархон, Хотиф сингари шоирлар Фузулий ғазалларига мухаммаслар боғлади.

Вадуд Маҳмуд ўзига замондош бўлган Ажзийнинг фузулийхонлиги ҳақида “Турк шоири Ажзий” мақоласида: “Ажзий шевада Фузулий йўлини тутган шоирлардандур. Бу шоиримиз ҳам ошиқдур, маъшуқаси халқдур, миллатдур. Миллат ва халқига муҳаббати унинг ишқидур”, деб қайд қилади.

Мунаққиднинг “Фузулий тилининг бу кунгиси, яъни усмонлича ила шоиримиз Чўлпон ҳам баъзи чиройлик парчалар ёзади”, деган фикри ҳам ўз асосига эга.

*“Илк аввал гўзими ишқ ила очдим,
Ишқинг майдонинга*

қоними сочдим.

Ишқисиз ўлкалардан он

онда қочдим,

На замон боғладим

зуннори ишқ...”

Мунаққид Чўлпоннинг шундай бошланган шеърини мисол қилиб келтиради.

Маърифат аҳли, шеърят шайдолари Чўлпон ижодида бундай онда-сонда учрайдиган Ҳарб туркчаси таъсирида битилган айрим жўшқин мисраларни зукколик билан илғаб олади, албатта.

Оловнинг иссиқ тафти совуқ кунда, ойнинг ёруғ нури қоронги тунда билинади. Шунга мувофиқ ҳар бир воқеа-ҳодиса муайян тарихий шароит билан изоҳланиши эътиборга олинса, Вадуд Маҳмуднинг қардош халқлар адабиётига мужоаати, хусусан, “Фузулий Бағдодий” мақоласи ўқувчиларни Фузулий ҳаёти ва ижоди билан таништирувчи, оммага унинг асарларидан намуналар етказувчи ва озарбайжон мумтоз шоири услубида шеърлар ёзган туркистонлик шоирлар тўғрисида маълумот берувчи дастлабки манбалардан бири сифатида бугунги кун учун ҳам қиймат касб этади, албатта.

Мақола бошида эсланган Юнус Мақсудий китобида Чўлпоннинг Фузулийга тегишли мақоласи хусусида бир оғиз гап бор: “Дарвоқе, Чўлпон Фузулий шеърятининг чин ошиқларидан эди. Унинг халқ орасида Навоий каби машҳурлигини эътироф этиб, “Фузулий пичинглари” деган бир мақоласида ўзининг фикрларини билдиради”. Юнус ота Чўлпон мақоласидан кичик кўчирма ҳам беради. Аммо тахмин қилиб, бу мақола 1938 йилда нашр бўлганини айтади. Мақоланинг тўлиқ матни яқинда топилди. Чўлпоннинг “Фузулий пичинглари” мақоласини Искандар Мағозиев “Гулистон” журналининг 1935 йил 10-сонидан қайта нашрга тайёрлаб, “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилди. Адабиётшунос Дилмурод Қуроноф “Чўлпон Фузулий ҳақида” деган махсус ўнгсўзида ушбу манбага “... Чўлпоннинг улуг озарбайжон шоири билан маънавий алоқалари ҳақидаги тасавурларимизни боийтади”, деб баҳо берди.

Хуллас, ўзбек жадид зиёлилари муҳитида Фузулий асарлари ўқилди, шу билан бирга, “Фузулий Бағдодий”, “Фузулий пичинглари” каби мақолаларда махсус адабий-назарий таҳлиллар қилинди. Шу залда жадид зиёлилари улуг озарбайжон шоири ижодининг қадр топиши ва ўзбек халқи ичида оммалашувида ўзига хос улкан ҳисса қўшди-лар.

Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Раҳимов Умар – 1880 йили Қашқадарё округи Имом Ёқуб қишлоғида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксиланқилобий ташкилотининг собиқ аъзоси. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Хонтўраев Қори Исо – 1884 йили Бауман райони Сабзқор қишлоғида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг собиқ аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи бўлган. Аҳоли орасида аксиланқилобий тарғибот олиб борганликда, ишонувчан мусулмонларни бирлашиб, совет ҳокимиятига қарши курашишга чақирганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

ҚАТАҒОН
ҚУРБОНЛАРИ

Ақбаров Абдукарим – 1907 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг собиқ аъзоси, судланган. Ҳибсга олинган вақтда хизматчи бўлган. 2334-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксиланқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилигини айтганликда, очарчилик ва ҳокимият алмашинуви ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Мўминов Юсуф – 1887 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг собиқ аъзоси. 5566-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 29 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида доимий равишда аксиланқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Абдурахмонов Шарипжон – 1884 йил Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг собиқ аъзоси. 5569-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик, аксиланқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Нигматуллаев Иззатулла – 1888 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг собиқ аъзоси. 2223-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Аксиланқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулотли бўлмаган.

Бойхонбоев Эргаш – 1900 йили Наманган шаҳрида туғилган. 1921 йилдан “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси, кўрбоши Омонполвоннинг алоқа боғловчиси сифатида айбланган. Икромов ва Болтабоевнинг алоҳида кўмағидан фойдалангани учун 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 8 ноябрдан ҳисобланган.

Нийёзов Хусанжон – 1898 йили Андижон шаҳрида туғилган. Ҳибсга олинган пайтда хизмат жойи аниқ эмас. “Миллий иттиҳод”нинг Андижон вилояти раиси бўлган. У терговда шундай жавоб берган: “Мен 1919 йилдан 1920 йил охиригача “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлганман. Бу ташкилотнинг маркази Тошкент шаҳрида, раҳбари эса Мунаввар қори бўлган. Бу даврда мен Андижонда яшардим, бу ерда турк зобити Сулаймон Самай билан танишиб қолган эдим. У Андижон шаҳрига 1919 йил октябрда “Миллий иттиҳод”ни ташкил этиш учун келганди. Бу йиллари мен 6-сон мактабда ўқитувчилик қилардим ва табиий фанлардан дарс берадим”. 1942 йил 29 апрелда СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси Хусанжон Нийёзов ишини кўриб чиқиб, унга берилган отувни Бекор этиб, 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштиришга ҳукм қилган.

Сўфизода (Муҳаммадшариф Эгамберди ўғли) – Наманган вилояти Чуст шаҳрида 1880 йил 29 январда туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (1926), маърифатпарвар мураббий. 1919 йилгача муҳожирликда яшаган. 1919 йилдан 1922 йилгача ВКП(б) аъзоси бўлган, ундан ўзи ихтиёри билан чиқиб кетган. “Миллий иттиҳод” аксиланқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. Унга муҳожиротдан келган, “чет эл разведкаси топшириғига кўра “Миллий иттиҳод” аксиланқилобий ташкилотига кирган, фаол аксиланқилобий фаолият олиб борган, босмачиликни қўллаб-қувватлаган, шахсан ўзи ёзган аксиланқилобий шеърларини тарқатган”, деган айблар қўйилган ва шу тўқима айблар асосида қатл этилган.

Тўрақуллов Орзукул – 1888 йили Андижон шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод”нинг собиқ аъзоси. 1933 йил НКВД оргнларни томонидан хорижга қочиш кетишни ташкил этгани учун ҳибсда 9 ой ётган. Қамоққа олинганда мактабда ўқитувчи бўлган. Совет ҳокимиятига қарши курашганликда, панисломизм ғоясини тарқатганликда айбланиб, ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-модда 1-банди, 67-моддаси билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Раҳимов Алижон – 1909 йили Андижон шаҳрида туғилган. Аксиланқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилоти раҳбарияти йиғинларида иштирок этган. Совет ҳукуматининг тадбирларига қарши душман муносабатда бўлган. Мақталарга ман этилган аксиланқилобий дарсликлар тарқатганликда, халқ душмани Ф.Хўжаев фойдасига аксиланқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-модда 1-банди, 67-модда билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Рустамбек ШАМСУДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор,

Нигорахон АКБАРОВА,
илмий ходим
(Давоми келгуси сонда).



ТИЛБИЛИМ

ЭФИРДА ДАВЛАТ ТИЛИ ДАРСЛАРИ

Маълумотларга кўра, бугунги кунгача дунёда 30 мингга яқин тил маълум мuddат муомалада бўлиб, миллатлар, элатлар қоришуви сабабли исзис йўқ бўлиб кетган. Айни пайтда Ер юзида мавжуд 6 мингга яқин тилнинг ярмида 10 минг нафардан кам, чорак қисмида эса атиги минг нафарга яқин одам гаплашади. Хатто, айрим тиллар бор-йўғи юз чоғли одамга хизмат қилаётганига нима дейсиз!



Шубҳасиз, ўзлингизни, ўзини англаган ҳар қандай миллат она тилини ҳимоя қилиши ва уни ривожлантиришга интилади. Бундай эзгу йўлда турли усул ва воситаларни ишга солади. Жумладан, айни пайтда турли мамлакатларда истиқомат қилаётган 50 миллиондан ортиқ киши сўзлашадиган, дунёдаги энг бой ва қадимий тиллардан бири ҳисобланган ўзбек тили ҳам бундан мустасно эмас. Бу борада давлат ва ҳукумат даражасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, она тилимиз тарбияси ва ташвиқоти янада кучайтириш долзарб масала ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Дунё бўйлаб" телеканалда ўзга тилли юртдошларимизга мўлжалланган "Экспресс-методика. Изучение узбекского языка" ("Тезкор-методика. Ўзбек тилини ўрганиш") дастурини эфирга узатиш йўлга қўйилгани она тилимиз равақли бўлишига муҳим ташаббуслардан бири бўлган, дейиш мумкин.

Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишини эътиборга олсак, ўзбек тилини ўрганишга иштиёқманд аҳоли учун мазкур дастурнинг қай даражада зарурлиги яққол намоён бўлади.

Мен бир неча йиллардан бери ўзга тилли миллат вакилларига ўзбек тилидан сабоқ бериб келаман, – дейди мазкур дастурнинг бошловчиси, моҳир ўқитувчи Ирина Зеленова. – Ҳозир Ўзбекистонда улгайган бўлсам-да, рус тилида таълим олганман, оиламизда ҳам асосан шу тилда гаплашар эдик. Кейинчалик ўқитувчилик касбини танлаган, ўзбек тилини ўрганишни зарурлигини англадим. Шу тариха устозларим ва турли китоблар ёрдамида тил ўрганишга киришдим. Албатта, бу осон бўлмади. Кўпчилик ўзга тилли миллат вакиллари қатори талаффузда ва гап

қурилишидаги катта фарқ анча қийинчиликлар туғдирди. Аммо тинимсиз ўқиш, ёдлаб, ўрганиб олганимдан сўнг ўзбекларга рус тилини, бошқа тилли одамларга ўзбек тилини ўргата бошладим. Мамлакатимизда ва хорижда ўзбек тилини ўрганишга талаб айниқса, кейинги йилларда жуда ошиб кетди. Мана шундай шароитда "Дунё бўйлаб" телеканалда ташкил қилинган ўзбек тилига оид сабоқлар катта самара беришига ишонаман. Бу дарсларни нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг бошқа жойларида туриб ҳам бемалол томоша қилиш мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига кўра, дунё бўйича мавжуд тилларнинг ярми XXI аср охирига бориб бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолмоқда. Бунга иккита катта сабаб кўрсатилмоқда. Асосий омил – ўша тилнинг интернет тилига айланмагани билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, улар ўзидан юқориқоғ мавқега эга бўлган тилларнинг "соясини" қўлиб кетмоқда. Бугун ахборот технологиялари ва рақамлаштиришнинг барча соҳаларга жадал кириб бориши, муайян тилларнинг интернет тармоқларида ахборот алмашишнинг энг мақбул усулига айланаётгани бошқа тилларнинг ривожланиши учун жиддий тўсиқларни юзга келтирмоқда. Шундай экан, ҳар қандай тилнинг яшаб қолишини таъминлаш учун биринчи гада уларнинг интернет тармоғида фаолигини ошириш, турли мобил иловалар, дастурлар воситасида бундай тилларни осон ўргатиш усуллари жорий қилиш лозим. "Тезкор-методика. Ўзбек тилини ўрганиш" кўрсатуви ҳам айни шундай дастур ва методика асосида тайёрланмоқда. Дастурда назария, амалиёт ва доимий такрорлашларни ўз ичига олган энг ишончли ва самарали усуллардан фойдаланилмоқда. Дастур методикаси ўзбек тилини онлайн тарзда ўргатувчи энг йирик "Uzbek-online" мактаби мута-

хассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Уқитиш ўзбек тилида кўп қўлланиладиган сўзлар лугатига асосланган ҳолда, доимий такрорлаш усули ёрдамида олиб борилади.

– Кўрсатувда фойдаланилаётган дастурнинг мобил иловаси ҳам мавжуд, у iZi деб номланади, – дейди ушбу лойиҳанинг ҳамкори Фарҳод Обидхоннов. – Мазкур дастур уч қисмдан иборат бўлиб, ўрганувчилар машғулотининг биринчи қисмида бир нечта янги сўзлар билан танишади. Ҳар бир сўз уни ифодаловчи расм, ассоциатив матн ва сўзнинг тўғри талаффузини ўргатадиган ўзига хос жамланмага эга. Сўзларни эслаб қолиш алоҳида такрорлашлар асосига қурилган. Машғулотининг иккинчи қисмида янги грамматик қоидалар таништирилса, учинчи босқич амалий машғулоти ўз ичига олади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ҳар бири 10-15 дақиқадан иборат бўлган 80 қисмли ушбу дастур ҳафтанинг сошанба, пайшанба, шанба кунлари соат 17.45 да эфирга узатилиб, душанба, чоршанба, жума кунлари соат 11.00 да такроран намойиш қилинмоқда.

– Мен шу пайтгача ўзбек тилини ўрганишга қийналар эдим, – дейди дастурда иштирок этаётган юртдошимиз Сергей Стопневич. – Бирон тилни кўча-кўйда, жонли мулоқот асосида ўзлаштириш бошқа, алоҳида методика асосида ўрганиш умуман бошқа экан. Телевидение орқали эфирга берилаётган ушбу кўрсатув давлат тилимизни осон ва тез ўрганишимизга катта ёрдам бермоқда. Ўзбек тилини мукамал билиш менга ўз соҳамда янада самаралироқ фаолият кўрсатиш, ҳамкасбларим билан эркин мулоқот қилиш ва янада кўпроқ дўстлар орттириш имконини беришига ишонаман. Уйлайманки, Ўзбекистонда яшаб, фаолият кўрсатадиган ҳар қайси миллат вакили давлат тилини яхши билса, бунинг самарасини тез орада ҳис қилади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ташаббуси билан ташкил қилинган "Тезкор-методика. Ўзбек тилини ўрганиш" дастури Ўзбекистонда яшаб фаолият кўрсатаётган ўзга миллат вакиллари-нинг давлат тилини ўрганишига беминнат кўмакчи вазифасини ўташига ишонаман.

Бекзод ИБРОХИМОВ,
журналист

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

ҲАЁ

Александр Блок Анна Ахматовдан "Сизга Толстой халал бермайдими?" деб сўрайди ва зум ўтмай ўзи жавоб беради: "Менга эса халал беради".

Улуғ Толстойнинг нигоҳи, ҳайбати атрофидаги ижодкорларни доим ана шундай "титратиб" турган. Мен ҳар сафар Шавкат Раҳмонни ўқиганда Блокнинг ҳолига тушаман.



Эзаётганларимнинг хомлигидан ёки етарлича жон бериб ёзолмаётганимдан уялиб кетаман. Севимли ижодкорларим кўп, лекин негадир айнан Шавкат Раҳмондан ҳайкаман. Унинг адабиётимизда борлиги менга ижобий маънода "халал беради". Енгил, патирлатиб ёзиб ташлашга қўймайди. Йўқ, эркинлигини бўғмайди, олдимдаги бурчни ҳар дақиқа англаб туради. Ижодкор дўстларимдан: "Сизда ҳам шундай шахс борми?" дея сўрагим, ҳаёлан у билан рўбарў келганда қай аҳволга тушишларини билгим келади. Бу кўрүк ҳам, ҳасад ҳам эмас! Бўлар-бўлмас тўғри, ҳаёл, оруз, фикрларни шеър қилиб ташлашдан тийиб турадиган куч. Тенгдошлар ижодини кузата туриб баъзи ижод намуналарини ўқиб, шуни ёзмаса ҳам бўларди-ку, деб юбораман аччиқланиб ва биланманки, ўзимда ҳам шундай ҳубоб машқлар талайгина топилади. "Китобга тайёрлаётганда яхшилаб саралайман", дея таскин берман кўнглимга. Яшин тезлигида қарама-қарши ўй келади – улгурмасам-чи? Бу ёмон. Рауф Парфининг "Туркестон руҳи" китобини ўқийтиб, шoirнинг илк машқларини бекор тикишибди, дея тўпловчилардан жажлим чиққан. Унинг ўзи тартиб берган "Сакина" сайланмасида бирор ортиқча шеърга кўзинг тушмайди ахир. Бу борада ҳам Шавкат Раҳмонга қойил. У менимча буш тугул, ўртамеёна шеърларини ҳам ўлимдан кейин биров топиб, байроқ қилиб чопмаслиги учун жойида йўқ қилиб юборган. Адабиётшунослар Абдували Қутбидин биринчи шеърини доққон профессонал шoir сифатида танилди, у тақлид босқичини ўтамади, деб ёзишади. Аммо мен биланманки, Абдували ака ҳам ижодга, шеърга жуда ҳурмат билан қараган ва ўзига талаби кучли

ЖОНТЕМИР

ЭЪТИРОФ

МЕН ЎЗБЕК ЎҒЛИМАН!

Германиянинг машҳур "Бавария" футбол клуби қайси ёш ўзбек футболчисига харидор бўлаётганидан хабарингиз борми? Россия премьер-лигасида ўтказилаётган "Йил кашфиёти" талповида голибликка энг асосий номзод кимлигини эшитдингизми? Атиги ярим йил ичида трансфер нархи ўн қарра ошган азамат футболчи ким? Ҳа, топдингиз, бу ўзимизнинг Аббосбек Файзуллаев!

Бугун Сайхунбод туманининг Гулистон маҳалласида истиқомат қиладиган Қодировлар оиласини танимаган сирдарёлик йўқ ҳисоби. Олти ака-уканинг озғибирлиги, тўй-маърака, яхши-ёмон кунларда бир-бирига елкадошлиги кўпчиликнинг ҳавасини келтиради. Уларни баҳамжиҳат қилган машғулотлардан бири спорт, аниқроқ айтсак, бугун миллиардлар ўйинига айланган футбол саналиб, айниқса, халқаро майдонларда тўп сураётган терма жамоамизга бутун оила жамулжам бўлиб иштирок қилишади.

Улардан бири Саид ака Қодиров турмуш ўртоғи Гулчеҳраҳон опа билан тўрт фарзандни эл ҳавасидаги инсонлар қилиб вояга етказди. Катта ўғил – ноёб истеъдод соҳиби бўлиши Аббосбекнинг бугун дунё футбол мухлислари эътироф этмоқда.

Ўзбек ёшларнинг фахру ифтихорига, катталарнинг умиди ишончига айланган Аббосбек айни пайтда 20 ёшда. У дастлаб тумандаги 26-умумтаълим мактабида сабоқ олarkan, дарсдан бўш пайтлари маҳалладош ўртоқлари билан жамоа-жамоа бўлиб футбол ўйнади. Боладаги айрича иқтидорни пайқаган жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Иброҳим Умматов ўша пайтдаёқ "Хали бу бола дунёга довруғи кетган зўр футболчи бўлади", дея баҳорат қилади.

Аббосбекдаги бу сеҳрли спорт турига қизиқиш кучли иштиёққа айланган, бутун фикру зикрини эгаллади. Хатто, кечалари ой ёруғида бир ўзи машқ қиладиган, жарима тўпларини мураккаб вазиятлардан дарвозага йўллаш устида ишлайдиган бўлди. Гулчеҳра опа ҳаяллаб қолган ўғлини қаердан топишни аниқ биларди. Боланинг футболга меҳри бўлак-

ча эканини пайқаган тоғаси уни Тошкентдаги "Пахтакор" футбол академиясига етаклаб келди. Эндигина учинчи синфини тугатган болакай машғулотларга мўлтазам қатнаб, ўзини тоблади, машаққатли йўлдан асло чекинмади. Бу ерда у ўзбек футболининг афсоналаридан бири ҳисобланган Михаил Аннинг фарзанди Дмитрий Ан мурабийлигида майдонни кўра билиш, тўпни аниқ нуқтага йўналтириш, мўлжални тўғри олиш, чадастлик, чаққонлик, тегишли ҳудудни ҳимоялаш каби футбол қоидаларини астойдил ўзлаштирди. Аббосбекда амалий тажриба кўплаб жамоавий мусобақаларда иштироки орқали ортиб борди.

Қобилият ҳаммага берилмади, лекин уни ривожлантириш ҳар кимнинг ўз қўлида. Инсон ҳаётда қайси соҳада бўлмасин, ютуққа эришар экан, унинг муваффақиятлари замирида иқтидори устида тинимсиз ишлаш заҳмати ётади. Аббосбек ана шу заҳмат ортидан муҳлису мутахассислар назарига тушди. Дастлаб ўсириллар, кейин ёшлар терма жамоасига, сўнг "Пахтакор" жамоасининг уринбосарлари таркибидан жой олди.

2021 йилнинг 6 май куни суперлигада "Пахтакор" жамоаси сафида "Турон" клубига қарши ўйинда дебютини намойиш қилган бўлажак юлдуз бир йил ўтиб, "Бунёкор" жамоаси билан бўлиб ўтган баҳсда рақиб дарвозасига илк голини киритди. 2023 йилда эса 19-20 ёшли футболчилар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида "энг яхши ёш футболчи" деган эътирофга муносиб топилди ва ёшлар терма жамоасининг етакчиси сифатида тан олинди.

– Аргентинада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида мухлислар қаторида ўғлимнинг ўйинларини кўзимда ёш билан томоша қилдим. Боланинг ортидан дунё кезганим бир тўпқинлантурса, унинг ўйинини, ҳар бир ҳаракатини манамен деган футбол магнатлари кузатаётганини ўйлаб ўн қарра ҳаяжонландим, – дейди Саид ака.

2023 йилнинг ёзида Россиянинг донгдор ЦСКА клубига 500 минг евро эвазига ўтган моҳир футболчининг хозирги трансфер нархи "Transfermarkt" портали маълумотига кўра, 5 миллион еврога ташкил қилинмоқда.

Ҳамюртимиз Россия премьер-лигасида

ярим ҳимоячи сифатида муваффақиятли ўйин намойиш қилиб, шу пайтгача 2 та гол, 9 та голга узатма қайд этди ва оммавий ахборот воситалари ҳамда томошабинлар ўртасидаги сўровга асосан тўрт ой кетма-кет жамоанинг энг яхши футболчиси сифатида эътироф этилди. Мухлислар ёқимтойига айланган Аббосбек Файзуллаевнинг спорт шарҳловчилари "Юзи ёруғ бола", деб таърифлашади. Дарҳақиқат, истараси иссиқ ҳамюртимиз майдонга тушса, унинг қутилмаган финтлари, дриблинглари тўфайли ўйин файзли тус олади.

Аббосбекнинг тирашқоқлиги ва меҳнатсеварлиги унинг муваффақиятларига асос бўлган ҳақиқат. Қолаверса, футболчининг бир неча хорижий тилда эркин сўзлаша олиши, раван нутқи, кенг дунёқарashi ҳам таҳсинга сазовор. Футболчининг отаси Саид ака иригаторлик касбини танлаб, шу соҳада фаолият олиб борган бўлса-да, айтганимиздек, ашаддий футболсеварлардан. Терма жамоамиз иштирокидаги ғалабали ўйинлар халқимизга завқу шавқ билан бирга фахру ифтихор ҳам бахш этади. Демак, футбол шунчаки спорт эмас, миллий ғурурни шакллантирувчи омиллардан бири деб санаш мумкин. Ана шу тушунчаларни ўғлига мурғаклигидан сингдирган Саид ака айни пайтда Қатарда 23 ёшгача бўлган терма жамоалар ўртасида ўтказилаётган Осиё кубоғи баҳсини ҳам катта умид ва ишонч билан кузатапти. Аббосбек кунни кеча Россия чемпионатида Қатарга етиб келиб, жамоага қўшилди. Мусобақани чорак финал баҳсларидан бошлаш қутилаётган ҳамюртимиз гуруҳнинг сўнги босқич ўйинига ҳам улгурди, Вьетнам термаси устидан қозонилган йирик ҳисобдаги ғалабага ўз ҳиссасини қўшиди ва шу тариха Олимпия терма жамоамиз гуруҳда биринчи ўрин билан кейинги босқичга йўл олди. Аббосбек нафақат жамоасининг, балки бутун турнирнинг энг номдор ўйинчиларидан бири сифатида ишончли ўйинлари орқали жамоадoshiлари билан Ватанимизга Осиё кубоғи ҳамда Олимпияда йўлланмаси олиб қайтишига ишонамиз.

Бўш келма, Аббос!

А.НУРБОЕВ,
Ф.ТОШМАТОВ



Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ

"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:

Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг

биринчи ўринбосари:

Ҳумоюн Акбаров

Навбатчи муҳаррир:

Муяссар Иброҳимова

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров

Нигора Тошева

Таҳририятга юборилган
мақолалар муаллифга
қайтарилмайди ва улар
юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 6208
Лотин ёзувидаги адади – 11958

Медиа кузатувчилар – 9648

Буюртма: Г – 439

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,

Шайхонтоҳур тумани,

Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgz@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.

